БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

169 (1689) | 26 август, 1960 йил, жума | Баҳоси 20 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети 1960 йил 7 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленумини чақиради.

Пленумда пахта йиғим-теримининг бориши ва давлатга топшириш ҳамда республика колхоз ва совхозларининг 1960 йилга олган социалистик мажбуриятларини бажариш юзасидан амалга ошираётган тадбирлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинади.

Бу масала юзасидан Фарғона, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм область партия комитетларининг ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг докладлари тингланади.


Пленум ишларида қатнашиш учун район партия комитетлари, шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари, район ижроия комитетларининг раислари, область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари, пахта тайёрлаш трестларининг бошлиқлари, пахта тозалаш заводларининг директорлари, шунингдек айрим бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, совхоз директорлари ва колхоз раислари таклиф қилинади.

1.100 МИНГ ТОННА СИЛОС БОСТИРАМИЗ

ОБЛАСТИМИЗ 500 МИНГ ТОННА СИЛОС ТАЙЁРЛАДИ

Юқори Чирчиқ районининг колхозлари ва совхозлари силос бостириш юзасидан олган юксак социалистик мажбуриятларини бажардилар. Ли Любовь ўз сўзининг устидан чиқди.





Областимизда маккажўхорининг ҳар гектаридан 1200 центнердан кўп поя олиш ташаббусини бошлаб берган Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг бригадасида бошлиғи ўртоқ Ли Любовь ўз сўзининг устидан чиқди. У йил бошида бўлиб ўтган область чорвадорлари кенгашида ҳар гектар ердан 1200 центнердан кўкпоя олишга ваъда берган ва бошқаларни социалистик мусобақага чақирган эди. Ли Любовь берган ваъдасидан ҳам ошириб, юз гектар майдоннинг ҳар гектаридан мажбуриятдаги 1200 центнер ўрнига 1540 центнердан кўкпоя олди. Суратларда: 1. Ўртоқ Ли Любовь. 2. Далада маккажўхори ўриш пайти.

И. Душкин фотолари.

Юқори Чирчиқ район партия комитетига Юқори Чирчиқ район ижроия комитетига

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети катта қониқиш билан қайд қиладиларки, Юқори Чирчиқ районининг колхозлари ва совхозлари Ўзбекистон КП Марказий Комитети III Пленуми ҳамда Тошкент область партия комитети IV пленуми қарорларини амалга ошира бориб, чорвани етарли миқдорда ем-хашак билан таъминлаш юзасидан бошланган социалистик мусобақани кенг кўламда кучайтириб, шу йил 25 августда силос бостириш юзасидан зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини бажардилар. Пландаги 41,5 минг тонна ўрнига 103,5 минг тонна силос бостирилди.

Силос бостиришни давом эттириб, унинг миқдорини 125 минг тоннага етказиш юзасидан қўшимча мажбурият олган район партия ва совет ташкилотларининг ташаббуси мақтовга сазовордир. Шунингдек, районда дағал ем-хашак тайёрлаш плани ҳам 117 процент бажарилди.

Область партия комитети ва область ижроия комитети Юқори Чирчиқ районининг колхозчилари, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия ва совет ходимларини силос бостириш соҳасида эришган муваффақиятлари билан қизғин табриклайдилар ва ишончи билдирадиларки, улар пахта, луб экинлари ҳосили, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг туёғини кўпайтириш, биринчи навбатда сигирлар сонини кўпайтириш юзасидан олган юксак мажбуриятларини ҳам бажарадилар ва ошириб бажарадилар, КПСС XXI съезди ва партия Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларига мувофиқ қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда янада янги муваффақиятларни қўлга киритадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Колхозларда, совхозларда ва тайёрлов тармоқларида пахтани йиғиб-териб олиш ва уни тайёрлашга ҳозирлик кўриш тўғрисида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозлар, совхозлар ва тайёрлов тармоқларининг пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлиги тўғрисидаги, қарорида қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ва ҳукумат кўрсатаётган ёрдамга таяниб, ҳар бир колхоз ва совхозда олинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил тўплаш учун астойдил кураш олиб бораётганликларини таъкидладилар.

Ҳозирги вақтда, дейилади қарорда, ғўзани парвариш қилиш билан бир қаторда ҳар бир колхоз, совхоз, бригада, пахта тозалаш заводи ва тайёрлов пункти пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва уни тайёрлашга ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўриши керак, чунки олинган мажбуриятнинг муддатидан илгари муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан пахта теримига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрилишига боғлиқдир.

Пахта териш ва уни топшириш ишлари суръатини кучайтиришни, ҳосилни кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда йиғиб-териб олишни, пахта териш техникасидан тўла фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликларнинг раҳбарлари зиммасига қуйидаги тадбирларни амалга ошириш вазифасини юклади:

ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ТЕРИМНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЮЗАСИДАН

Мўл ҳосил тўплаш учун ғўза парваришини давом эттириш билан бирга ҳосилни нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида йиғиб-териб олиш ва етиштирилган бутун ҳосилни давлатга топшириш ҳамда етти йилликнинг иккинчи йилида Ватанга камида 3 миллион 170 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни муваффақиятли бажариш учун пахта йиғим-теримига ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўриш—республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхозлар ва совхозларининг муҳим вазифаси деб қисоблансин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларининг ғўзачилик бригадалари ва бригадаларида пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш юзасидан тегишли тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жумладан асфальт ётқизилган янги майдончалар қуриш, мавжуд майдончаларни, хирмон жойларни, бостирмаларни, сушилкаларни, саройларни ремонт қилиш ва тайёрлаш, этак ва қоп-қанорларни, транспорт воситаларини тахт қилиб қўйиш, йўл ва кўприкларни тузатиш тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш вазифасини юклади. Йиғим-теримга тайёргарлик ишлари 1 сентябрдан кечикмасдан тугалланиши керак. Бу йил давлатга пахта топширишнинг юқори сўръатини таъминлаш мақсадида пахта қуритишга ёрдам берадиган барча воситаларни намунали тахт қилиб қўйиш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари ҳамда колхозларининг ва совхозларининг раҳбарлари зиммасига сушилкаларни ремонт қилиш, хирмон жойларни тайёрлаш, пахта қуритиладиган асфальт ётқизилган майдончаларни қуриш ишларини ўз вақтида тамомлаш вазифасини юклади, 15 сентябргача пахтани офтобда ва ҳавода қуритиш учун камида 1400 та асфальт ётқизилган майдонча қуриш керак.

«Узглавторгмаш» ва «Ўзбекбирлашув» зиммасига колхозлар ҳамда совхозларда сушилкалар тайёрлаш ва уларнинг нормал ишлашини таъминлаш ҳамда асфальт ётқизилган майдончаларни қуриш учун зарур бўладиган материаллар, асбоб-ускуналар ва ёқилғи етказиб бериш вазифасини юклади. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига сушилкаларни ремонт қилаётган ва асфальт ётқизилган майдончалар қураётган колхозларга ҳамда совхозларга ёрдам бериш учун қурилиш ташкилотлари, саноат корхоналари ва бошқа корхоналарни жалб қилишга рухсат берилди. Бунда уларнинг асосий фаолиятига зарар етказилмаслиги лозим.

Пахта йиғим-теримига ўқувчилар, студентлар ва солдатларнинг жалб қилинмаслигини ҳисобга олиб, колхоз ва совхозлардаги ишчи кучларидан тўла фойдаланиш керак, қишлоқ жойларда яшайдиган меҳнатга қобилиятли аҳолининг ҳаммасини теримга жалб қилиш зарур. Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетлари зиммасига пахта йиғим-теримида қатнашадиган кишилар сонини камида бир миллион 100 мингга етказиш, шу жумладан Тошкент областида 160 минг кишига, Фарғона областида 200 минг кишига, Андижон областида 200 минг кишига, Самарқанд областида 140 минг кишига, Бухоро областида 110 минг кишига, Сурхондарё областида 140 минг кишига, Хоразм областида 75 минг кишига ва Қорақалпоғистон АССРда 75 минг кишига етказиш вазифасини юклади.

Пахтанинг хом терилишига йўл қўймаслик, сифатининг юқори бўлишига эришиш ва теримчиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, колхозларнинг ва совхозларнинг раҳбарларига йиғим-теримни тўғри ташкил қилиш, пахтани бир неча марта теришдан воз кечиш вазифаси топширилди. Ишни қуйидагича ташкил қилиш тавсия этилади:

йиғим-терим ҳамма жойда ёппасига бошлангунча ғўзаси чанқаб қолиб, кўсаклари барвақт очилган, шунингдек касалланган ғўзалардаги ҳосил йиғиб-териб олинсин. Шунда дастлабки асосий терим вақтида пахтанинг, айниқса уруғлик пахтанинг (машина теримига ажратилган далалар бундан мустасноди) сифати бузилмайди;

бригада бошлиқлари зиммасига ҳар бир теримчига кунига аниқ қатторларни ажратиб бериш ва кун бўйи терим сифатини текшириб туриш вазифаси юклатилсин. Ҳосилни нес-нобуд қилиш, пахтани ифлос териш, чаноқда қолдириб кетиш ва пахтани хом териш фактлари аниқланган тақдирда, шундай камчиликка йўл қўйган айбдорларнинг ўзлари бу камчиликларни тугатишлари ва аралаш сортларни ажратиб беришлари керак. Камчилик тугатилмагунча уларнинг ишига ҳақ тўланмасин.

Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, хўжаликларнинг раҳбарларига уруғлик участкаларидаги пахтани эҳтиётлик билан алоҳида териб олишини таъминлаш, бунда махсус инструкцияга қатъий риоя қилиш таклиф этилди.

Колхоз правленеларига айрим далаларнинг ҳосилдорлигига ва кўсакнинг очилганлигига қараб табақалаштирилган кундалик терим нормасини белгилаш тавсия этилсин. Уруғлик участкалардаги пахтани теришда норма 20 процент камайтирилсин.

Қишлоқ хўжалик министрлигига ва унинг маҳаллий органларига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, бошланғич партия ва комсомол ташкилотларига етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини сақлаб қолиш ва давлатга топшириш, пахтани ташиш, қуритиш, сақлаш ва қайта ишлаш вақтида нобудгарчиликка сира йўл қўймаслик учун кескин кураш олиб бориш вазифаси юкланди.

Колхозларнинг правленеларига ва совхозларнинг раҳбарларига ҳар бир теримчи учун мавсумда 3 тоннадан 4 тоннагача пахта териш юзасидан табақалаштирилган норма белгилаш тавсия қилинди. Мавсумда 7—10 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта терувчиларни доимо қуллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳаракатини теримчилар ўртасида кенг оммалаштириш керак. Илғор теримчилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларга эътибор бериш ва иш тажрибаларини кенг оммалаштириш зарур.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарларига, колхозларнинг правленеларига ва совхозларнинг директорларига теримчилар ва механизаторлар учун нормал маданий-маиший шароит яратиш, бунда дала шийпонларини қўшимча жиҳозлаш, болалар боғчаларини ва ясли-ларнинг ишини яхшилаш, далада иссиқ овқат ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш тавсия этилди.

Соғлиқни сақлаш министрлиги, Маданият министрлиги, Алоқа министрлигига, Давлат банкининг Ўзбекистон конторасига колхозчиларга, совхозларнинг ва РТСларнинг ишчиларига медицина-санитария ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш юзасидан, пахтани йиғиб-териб олишдаги ишлари учун пул авансларини ва иш ҳақини ўз вақтида тўлаш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига пахта йиғим-теримининг дастлабки куниданоқ барча ишларни пухта уюштириш, ишчи кучлари ҳамда механизмлардан тўла фойдаланиш, теримчилар, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари ўртасида кунлик ва мавсум нормаларини ортғи билан бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш, меҳнат интизомини бузувчиларга қарши кескин курашиш вазифаларини юклади.

(Давоми иккинчи бетда)

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

24 августда Тошкент область партия комитетида кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш ишида олимлар, қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг илмий ходимлари, илғор колхозларнинг раислари, йирик совхозларнинг директорлари, тажрибали бригадирлар, ер ва сув органларининг мутахассислари, областнинг партия ва совет активлари, Ўзбекистон КП область комитетининг бюро аъзолари иштирок этдилар.

Кенгаш қатнашчилари икки муҳим масалани — вегетация даврининг сўнгги кунларида ғўзани суғориш ва ғўза баргини тўкиш муддатлари ҳамда машина теримига тайёргарлик масаласини муҳокама қилдилар.

Кенгашда академик Н. Маннонов, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Меднис, СоюзНИХИнинг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати З. Турсунхўжаев Янгийўл районидаги Хрущев номли колхоз раиси, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Турсунқулов, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва, Янгийўл районидаги Сталин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Ортиқов, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Матқобулов, Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Юнусов, Гулистон районидаги «Красная заря» колхозининг раиси А. Турдиев, 1-«Далварзин» совхозининг директори А. Мирдадаев, «Оққўрғон» совхозининг директори Ж. Акромов, Пискент районидаги Тельман номли колхозининг бригада бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполвон Қодиров, область қишлоқ хўжалик бошқармаси ўсимликшунослик инспекцияси бошлиғи, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Я. Берсудский ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқиб, ўз фикрларини айтдилар. Улар бу йилги шароитнинг ўзига хос хусусиятлари, ўсимликнинг ривожи ва бундан кейин об-ҳавонинг қандай бўлиши сингари ҳолатларни ҳисобга олиб, қатор таклифларни ўртага ташладилар. Бу таклифларнинг амалга оширилиши ҳосилнинг пишиб етилишини тезлаштиради ва пахта етиштириш юзасидан олинган мажбуриятни ўз вақтида бажариш имкониятини беради.

Ҳозирги вақтда кўпгина колхоз ва совхозларда ғўзага зўр бериб сув қўйилмоқда. Агротехника талабларининг бузилишига ҳам йўл қўйилаётир. Бир ҳил картадар кўллатиб суғорилмоқда, айрим участкаларнинг ғўзаси эса чанқатиб қўйилаётир. Бундай аҳвол ҳосилга катта зарар етказади.

Суғоришни ўтказишдаги ана шу сингари камчиликлар қайд қилиб ўтилгач, кенгаш қатнашчилари суғоришни ўтказишдаги ҳозирги режимни тубдан ўзгартириш зарур ва бу соҳада қатъий тартиб ўрнатилиши керак, деган фикрга келдилар.

(Давоми иккинчи бетда)

КАТТА ҒАЛАБА

ЯНГИБОЗОР, 25 август. Юқори Чирчиқ район меҳнаткашлари партия XXI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг тарихий Пленумлари қарорларини амалга ошира бориб, ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, 25 августга қадар мажбуриятдаги 44 минг тонна ўрнига 103.500 тонна силос бостирдилар. Бу ўтган йилдагига қараганда 62 минг тонна кўп демакдир. Ҳар бош соғин сигирга 20 тонна-дан ортиқ силос тўғри келади.

Силос бостиришда «Политотдел», Свердлов номли, «Правда», «Гулистон», «Ленинский путь» колхозлари айниқса юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу колхоз ларнинг ҳар бири 9—16 минг тонна-дан силос бостирди.

«Политотдел» колхозининг ўртоқ Ли Любовь бошлиқ бригада аъзолари 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 1540 центнердан, Свердлов номли колхознинг Нн Александр бошлиқ бригадаси 118 гектар ернинг ҳар гектаридан 1653 центнердан, «Правда» колхозининг Ким Чун Ок бошлиқ бригадаси 45 гектар ернинг ҳар гектаридан 1750 центнердан кўкпоя олди.

Пландаги 34099 тонна ўрнига 40475 тонна дағал ем-хашак тайёр-ланиб бу соҳадаги план 117 процент бажарилди.

Район колхоз ва совхозлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, қўшимча равишда яна 22 минг тонна силос бостириш ва силосниинг умумий миқдорини 125 минг тоннага етказиб бу соҳада уч йиллик планни бажариш мажбуриятини олдилар.

Олимпиада ўйинлари турли мамлакатлар спортчилари ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилсин!

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. ХРУШЧЕВнинг XVII Олимпиада ўйинлари қатнашчиларига мактуби

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи ҳукумати номидан ва шахсан ўз номимдан сизларни, дунёдаги кучли ва хушчақчақ спортчи ёшлар вакилларини қизғин табриклайман.

Олимпиада ўйинлари — халқаро спорт ҳаракатининг яхши традициясидир. Олимпиада олови кишилар қалбида ўртоқлик руҳини аланга олдиради, ҳалол мусобақалашишга даъват этади, тинчлик ва ҳамжиҳатлик ишини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу билан бир вақтда, Олимпиада ўйинлари спорт маҳоратининг яхши мактаби бўлиб, физкультура ва спортни ривожлантиришга ёрдам беради.

Спорт — бардамлик, хушчақчақлик, меҳнат қобилияти ва узоқ умр кўриш манбаидир. Жамият тараққиёти кўп жиҳатдан маънавий бойлик ва ахлоқий софликни жисмоний тараққиёт билан узвий мужассамлаштирган янги инсонни тарбиялашга боғлиқдир. Совет Иттифоқи ҳукумати меҳнаткашлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва халқнинг ҳар томонлама маънавий ва жисмоний ўсиши ҳақида ҳормай-толмай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Эркин социалистик жамият шароитида совет кишилари физкультура ва спорт машғулотлари учун энг кенг имкониятлар олдилар.

Инсониятнинг асосий вазифаси тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолган ҳозирги даврда спортчилар ана шу олижаноб вазифани ҳал этишда муносиб ўрин эгаллашлари лозим. Турли мамлакатлар спортчиларининг учрашувлари халқларнинг яқинлашувига ва ҳамжиҳатлигига ёрдам беради. Шу тарзда бу учрашувлар умумий тинчликни мустаҳкамлаш ишида муҳим роль ўйнайди. Совет ҳукумати бундай учрашувларга катта аҳамият беради ва уларга ҳар томонлама мадад кўрсатади. Биз ишонамизки, XVII Олимпиада ўйинлари барча мамлакатлар халқлари ўртасидаги ишончни ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлида янги қадам бўлади.

XVII Олимпиада ўйинлари турли мамлакатлар спортчилари ўртасидаги қардошлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилсин!

Халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ривожлансин ва шу йўл билан бутун дунёда тинчлик мустаҳкамлансин!

Олимпиада ўйинларининг барча қатнашчиларига спортда, шунингдек меҳнатда, ўқишда ва ҳаётий ҳаётда энг яхши муваффақиятлар тилайман.

Н. ХРУШЧЕВ.

СССР Министрлар Советининг Раиси.

1960 йил, 22 август.

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Колхозларда, совхозларда ва тайёрлов тармоқларида пахтани йиғиб-териб олиш ва уни тайёрлашга ҳозирлик кўриш тўғрисида

(Боши биринчи бетда)

ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети бу йил республикада машина билан камида 500 минг тонна пахтани териб олиш учун ҳар бир колхоз, совхоз ва бригадада машина терими юзасидан олинган мажбуриятни тўла ва ортиғи билан бажариш — партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, механизаторларнинг, барча пахтакорларнинг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайдилар. Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига машинада пахта теришга тайёргарлик кўришдаги мавжуд камчиликларни дарҳол тугатиш ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1960 йил 13 июлда «Пахтани машинада йиғиб-териб олишга тайёргарликнинг бориши тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган тадбирларнинг ҳаммасини амалга ошириш таклиф қилинди.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига пахта терими олдидан ғўза баргини ўз вақтида тўкиришга зарурлиги кўрсатилди. Қарорда қайд қилиб ўтилганидек, кўпчилик ўсимликда 1—2 та кўсак очилиши биланоқ ғўза баргини тўкиришга киришиш ва бу ишни 20—25 сентябрдан кечиктирмаслик ҳамма жойда тамомлаш зарур.

Пахта териш машиналаридан унумли фойдаланиш мақсадида бу соҳада орттирилган тажрибага асосан колхозларнинг правленияларига ва совхозларнинг директорларига қуйидагилар тавсия қилинсин:

пахта териш машиналарининг ишини икки сменада ташкил этиш, терим машиналаридан фойдаланишда группа усулини кенг қўллаш, бунинг учун бригадага бириктириб қўйилган пахта териш агрегатларининг ҳаммаси яхлит битта ёки унча катта бўлмаган бир қанча қўшни участкаларда ишласин:

участкалар механик-ҳайдовчиларга машина терими бошланишидан камида 10 кун илгари бириктириб қўйилсин, шунда улар бир ҳафта ичида ажратилган участка билан танишиш ва ана шу участкадаги ҳосилни териб олишга тайёргарлик кўриш имкониятига эга бўладилар, участкаларни тайёрлаш ва машиналарга хизмат кўрсатиш учун колхозчилар ва совхоз ишчилари доимий бириктириб қўйилсин, шунингдек зарур транспорт воситалари ажратилсин;

пахтани қоп-қанорсиз ташиш кенг қўлланилсин. Пахтани узлуксиз ташиш ва топшириш учун барча «ХВС-1,2» машиналарига пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун жиҳозланган трактор прицеп-аравачалари бириктириб қўйилсин. Шунингдек эски маркадаги терим машиналаридан фойдаланилганда ҳам пахтани қоп-қанорсиз ташишни кенг қўлланиш учун прицеплар траншеяларга тушириб қўйилсин ва пахтани ортиш учун трактор вентиляторларидан, механик равишда юк ортадиган асбоблардан фойдаланилсин. Шу мақсадда «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Жомбой» ва бошқа совхозларнинг иш тажрибаларидан ўрганилсин;

кўсакларнинг камида 50—60 проценти очилгандан кейин машина терими бошлансин. Машина теримига ажратилган далалардаги ҳосилни қўлда териб олиш тақиқлансин;

сентябрда ва октябрь ойида пахтани териш ва топшириш юзасидан колхозларга, совхозларга, бригадаларга топшириқлар беришда машина теримининг ҳажми ҳисобга олинсин;

уруғлик участкаларидаги ҳосилни машинада териб олиш нормаси оддий участкадаги ҳосилни териб олиш нормасига нисбатан 20 процент кам белгилансин;

пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари ва кўсак чувиш машиналарининг машинистларига ҳақ тўлашда илгари амалда бўлган тартиб бу йил ҳам сақлаб қолинсин;

колхоз ва совхозларга пахтанинг кам тўкилишини таъминлаш билан бирга ишнинг сифатли бўлишига эришган механик-ҳайдовчиларни рағбатлантириш тавсия қилинсин. Бир қаторда ишлайдиган пахта териш машинасининг ҳар бири билан мавсумда камида 60—70 тоннадан ва икки қаторда ишлайдиган машинанинг ҳар бири билан камида 100 тоннадан пахта териш юзасидан механик-ҳайдовчилар ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин;

машина терими юзасидан белгиланган топшириқни бажарган тақдирдагина районлар, колхозлар ва совхозлар йиғим-теримдаги муваффақиятлари учун рағбатлантиришга тақдим этилсин.

Қарорда қишлоқ хўжалик механизаторларининг республика съезди қатнашчилари семинарини, уларни пахта териш машиналарининг ишлаб чиқариш технологияси билан таништириш мақсадида бевосита «Ташсельмаш» заводида ўтказиш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига бу йил кўрсатиш тўғрисида ёш механик-ҳайдовчилар ҳақида, айниқса механик-ҳайдовчи қизлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларга эътибор билан қараш, пахта териш машинасини ўзлаштиришда ва ундан фойдаланишда уларга доимий ёрдам бериш вазифасини топширди.

Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашига колхозларга ва совхозларга пахта териш, кўсак чувиш машиналарини, пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун прицепларни, пахта териш техникасига керакли запас қисмларни ажратилган фондларга биноан ўз вақтида етказиб бериш таклиф қилинди.

ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДЛАРИНИ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИНИ ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШГА, САҚЛАШГА ВА ҚАЙТА ИШЛАШГА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети кўпгина пахта тозалаш заводларида ва тайёрлов пунктларида пахтани қабул қилиб олишга, сақлашга ва қайта ишлашга тайёргарлик кечиктириб юборилганлигини, пахта сақланадиган омборларни ремонт қилиш орқага сурилганлигини, машинада териладиган, даладан қоп-қанорсиз олиб келинадиган пахтани қабул қилиб олишга қониқарсиз тайёргарлик кўрилаётганлигини йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол деб ҳисоблайдилар. Янги қуритиш-тозалаш цехларини қуриш ва мавжуд цехларни қайта ускуналаш жуда секин бормоқда. Кўпгина тайёрлов пунктлари пахтанинг стандарт эталонлари билан ҳалигача таъминланмаган, уларнинг колхозларга сотиш учун етарли миқдорда этак ва қанорлари йўқ, лабораториялар учун термометрлар, қуритиш барабанлари ва бошқалар етишмайди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети пахтани қабул қилиб олиш, сақлаш ва қайта ишлашга тайёрлов пунктларини ҳамда пахта тозалаш заводларини тезроқ тахт қилиш мақсадида Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши зиммасига қуйидагиларни юклади:

тайёрлов пунктларида қолган пахтани яқин кунлар ичида заводларга ташиб келтиришни тугаллаш ва уни қайта ишлаш учун тадбирлар кўрилсин;

тайёрлов пунктларини пахтани қабул қилиб олиш ва сақлашга тахт қилиб қўйиш ишлари 25 августгача, қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилиш эса 15 сентябргача тамомлансин. Шу билан бирга машинада териладиган ва қоп-қанорсиз ташиб келтириладиган қоснлни қабул қилиб олиш учун ускуналарни тайёрлаш;

ҳар бир қуритиш-тозалаш цехи учун пахтани қуритиш ва машинада териб олинган ҳосилни тозалаш юзасидан берилган топшириқни бажариш соҳасидаги ишлаб чиқариш қувватига қараб кунлик топшириқ белгилансин, цехларнинг узлуксиз ишлаши ва шу цехларда пахтани қуритиш ва тозалаш сифати устидан муntазам назорат қилиб борилишлари таъминлансин;

пахта тозалаш заводларининг капитал ремонтини 1 сентябрдан кечиктирмасдан тамомлаш билан бирга 1960 йил планида кўзда тутилган янги техника жорий қилинсин, ишлаб чиқариш жараёнида пахтани хас-чўплардан тозалаш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилсин;

тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводлари ҳузуридаги технология лабораторияларини тайёрлаш 25 августгача тамомлансин, улар зарур ускуналар, прибордар ва инвентарлар билан таъминлансин;

тайёрлов пунктларидаги ва пахта тозалаш заводларидаги бунгаларга, йўлларга асфальт ётқизилсин, бунинг учун мавжуд битумдан, шунингдек ажратилган фондга мувофиқ олинадиган битумдан тўла фойдаланилсин;

тайёрлов пунктларига галаб қилинган миқдорда этаклар (колхозларга сотиладиган йиллик нормининг ярмиси бараварида) ва бир ёни тикилмаган қоп-қанорларнинг 1 сентябргача ташиб келтирилиши таъминлансин;

янги ҳосилдан пахта тайёрлаш ва уни қайта ишлаш бошлангунча тайёрлов пунктларида ва пахта тозалаш заводларида ёнғинга қарши тадбирлар амалга оширилсин;

тайёрлов пунктларининг пахта қабул қилувчилари ва товароведлари 25 августгача аттестациядан қайта ўтказилсин ва шу муддатгача барча тайёрлов пунктлари малакали ва синалган товаровед кадрлар, лаборантлар ва ҳисобчи ходимлар билан таъминлансин;

область, район ва шаҳар партия комитетларига тайёрлов пунктлари учун кадрлар танлашда ва уларни жой-жойига қўйишда пахта тозалаш заводларига ёрдам бериш топширилсин;

пахтанинг стандартлари ва эталонлари билан, ҳосилни сортларга ажратиб териш, хўжаликлардаги хирмонларда пахта партияларини комплектлаш қоидалари билан таништириш мақсадида колхоз ва совхозларда бригадирлар, табелчилар ва звено бошлиқларининг семинарлари ўтказилсин.

«Узглавторгмаш»га 1 сентябргача пахтакор совхозларни белгиланган нормага мувофиқ этаклар ва қоп-қанорлар билан таъминлаш таклиф қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, Қурилиш министрлигига ва «Узглавсельстрой»га қуритиш-тозалаш цехларини қуришдаги қолоқликни тугатиш тадбирларини кўриш, Хоразм области ва Қорақалпоғистон АССРда шу цехларнинг қурилишига алоҳида эътибор бериш вазифасини юклади.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлигига Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областидаги тайёрлов пунктларида қолган пахтани ташиб олишни тезлаштириш тадбирларини кўриш, шунингдек қуритиш-тозалаш цехлари қурилишини ва пахта тозалаш заводлари ҳамда тайёрлов пунктларининг ремонтини тамомлаш учун зарур қурилиш материалларни ва қум-шағалнинг ташиб олинишини тезлаштириш таклиф қилинди.

Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига республика ва областлар аҳамиятига эга бўлган йўл ва кўприкларни, шунингдек колхозларга ва тайёрлов пунктларига бориладиган йўлларни ремонт қилишни 15 сентябргача тамомлаш вазифаси юкланди;

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига пахта тозалаш заводларига узоқдаги пунктларга қатнамасдан бевосита станциялар ҳузуридаги тайёрлов пунктларига топширилаётган пахта миқдорини кўпайтириш мақсадида колхоз ва совхозларни тайёрлов пунктларига бириктириб қўйишни қайта кўриб чиқиш зарурлиги кўрсатилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг маҳаллий органларига, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига, пахта тайёрлаш трестлари ва пахта тозалаш заводларига тайёрлов пунктларида пахтани қабул қилиб олиш вақтида пахтанинг ГОСТ белгилаган сорти, намлиги, ифлослик даражаси кўрсатилган қоида ва нормалардан заррача четга чиқишга йўл қўймаслик вазифасини юклади. Пахта тозалаш заводларининг директорлари ва тайёрлов пунктларининг мудирлари тайёрлов пунктларида давлат интизоми қаттиқ ўрнатилишига, пахта тайёрлаш системаси ходимлари томонидан ҳосилни қабул қилиб олиш ва сақлаш юзасидан белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилинишига шахсан жавобгардир.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашига пахтани қайта ишлаш вақтида ортиқча нам бўлишига йўл қўймаслик учун қаттиқ контроль ўрнатиш таклиф қилинди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети Тошкент темир йўл бошқармаси зиммасига тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводларининг пахта, тола ва чигит ташиш ҳамда юк жўнатишга тааллуқли талабларига қараб, уларни сентябрь ва октябрь ойларида вагонлар билан узлуксиз таъминлаб туриш вазифасини юклади.

Область ва район партия комитетларига колхозчилар, совхозларнинг, РТСларнинг ва тайёрлов пунктларининг ишчилари ўртасида ташкилий-оммавий ва сиёсий ишларни кучайтириш, пахта йиғим-теримини тез ўтказиш ва ҳосилнинг сақланишини таъминлаш учун социалистик мусобақани кучайтиришда бошланғич партия ташкилотларига ёрдам бериш таклиф қилинди.


Ўзбекистон КП Марказий Комитети республика, область ва район газеталарининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги радио эшиттириш ва телевидение комитети зиммасига пахта йиғим-терими даврида механизатни ташкил қилишнинг илғор усулларини, энг яхши механик-ҳайдовчилар ва теримчиларнинг иш усулларини матбуот, радио ва телевидение орқали кенг ёритиш вазифасини юклади.

* * *

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари, колхозларнинг ва совхозларнинг раҳбарлари, бошланғич партия ва комсомол ташкилотлари бу йил пахта йиғим-теримини анча уюшқоқлик билан ўтказиб, Ватанга камида 3 миллион 170 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олинган мажбуриятнинг шараф билан бажарилиши учун бутун куч-ғайратларини сарф қиладилар, деб ишонадилар.

500 000 тонна пахта учун!

Йиғим-терим бошлангунга қадар ғўза парваришини қизғин давом эттирайлик, ривожи паст, ҳосили кам ғўзаларни серҳосил ғўзаларга тенглаштириб олайлик!



Янгийўл районидаги «XIX партсъезд» колхозининг ўртоқ А. Юнусов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Ҳозирнинг ўзида ҳар туп ғўзада 10—12 тадан тўқ кўсак бор. Суратда: бригадада культивация пайти.

Қ. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА КЕНГАШ

(Боши биринчи бетда).

Биринчи навбатда ғўзаси ривожланишдан орқада қолаётган майдонларнинг ғўзасини суғоришни эҳтиётлик билан ўтказиш талаб этилади. Бундай майдонларда ғўзанинг ривожини кўсакларнинг очилишини тезлаштириш мақсадида суғоришни табақалаштирилган ҳолда, қатъий режим асосида ўтказиш лозим: ўсимлик сув талаб эканлиги яхши аниқланган тақдирдагина ғўзани суғориш учун сув қўйиш керак.

Ғўзаси нормал ривожланаётган майдонларга сув таралганда ҳам сувнинг исроф бўлишига йўл қўймаслик талаб этилади.

Сизот сувлари бир-икки метр чуқурликда бўлган Мирзачўл зоналари, Чирчиқ дарёсининг қуйи этаклари, Гежиген паст текисликларида асосий майдонлардаги ғўзани суғоришни августнинг охири ва сентябрнинг бошларида тўхтатиш керак. Албатта бундан юқорида қайд этилган зоналарда суғоришдан мутлақо воз кечиш керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Енгил составли тупроққа эга бўлган, қум ва шағал қатламлари ер сатҳига яқин бўлган майдонлар учраб туради. Бундай ерларда талаб қилинган вақтда ғўзани яна бир, бир ярим марта, 10 сентябрдан кечиктирмасдан суғориш лозим бўлади.

Тошкент областида сизот сувлари чуқур бўлган сариқ тупроқли ер майдонлари анча кенг. Илмий-текшириш муассасаларининг аниқлаши натижасида шу нарса маълум бўлдики бундай майдонларда ҳосилнинг етилиши вақтида ғўзага сув қўйиш яхши натижалар беради. Ана шуни ҳисобга олиб кенгаш қатнашчилари бундай ерларда суғоришни 15—20 сентябргача давом эттириш мумкин деб топдилар. Лекин шуни унутмаслик керакки, ғўзанинг талабини ҳам ҳисобга олиш шарт.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам (анча нишаби бўлган участкаларни ҳисобга олмаганда) ғўзани сентябрда суғориш кам норма билан, эгат ташлаб ўтказилиши, бу иш 6—8 соатдан узоққа чўзилмаслиги керак.

Бу режимни амалга ошириш мақсадида 5—10 сентябрдан бошлаб каналларга бериладиган сувни камайтиришга қарор қилинди. Ана шу муддатдан бошлаб асосан беда, маккажўхори, сабзавот, шоли ва бошқа кечки экинларни суғориш учун сув берилади. Мутахассисларнинг махсус кўрсатмаси ёки хўжаликнинг талаби бўлган тақдирдагина ғўзани суғориш учун сув ажратилади.

Ғўза баргини тўкиш масаласини муҳокама қилиш ҳам қизғин равишда ўтди. Оз бўлсада ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун бу тадбирни табақалаштирилган ҳолда, ҳар бир участкадаги ғўзанинг ривожини ҳисобга олиб ўтказишга қарор қилинди.

Ғўзага дори пуркаш иши одатда ҳосилнинг айни пишиб етилаётган пайти, ғўза тупларида кам деганда битта, иккита баъзи жойларда эса 3—4 та кўсакнинг очилган даврига тўғри келади.

Кўсакларнинг навбатдаги очилиш муддатини ҳисобга олиб, асосий майдонларда ғўза баргини тўкиш ишини колхозлар ва совхозлар томонидан тузилиб, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари маъқуллаган ва Ўзбекистон КП область комитетининг тасдиғидан ўтган графикка асосан 15 сентябрдан 25 сентябргача бўлган давр ичида ўтказишга қарор қилинди.

Пахтаси тез пишадиган чигит эккан айрим колхоз ва совхозлар ҳамда 6,6 минг гектар майдонни ташкил қиладиган, ғўзасининг ривожи яхши бўлган бригадаларда терим олдидан ғўза баргини тўкиш ишларини 15 сентябргача ўтказиш мумкин. 16 сентябрдан 20 сентябргача 51,2 минг гектар, 21 сентябрдан 25 сентябргача 81,3 минг гектар ернинг ғўзасини дорилаш лозим. Шунингдек энг сўнгги беш кунликда, талаб қилинган тақдирда 25 минг гектар ернинг ғўзасини қайта дориласа бўлади.

Районлар, колхоз ва совхозларда ғўза баргини тўкиш графигини ниҳоятда диққат билан тузиш лозим. Биринчи навбатда ғўзаси нормал ривожланаётган бўлимлар, далачилик бригадалари ва участкаларни аниқлаш талаб этилади. Бундай участкаларда ғўза баргини тўкиш иши амалга оширилганида ҳосилга зарар етказилмайди, натижа яхши бўлади. Бундай майдонларда пахта териш машиналарининг юқори унум билан ишлаши учун шароит яратилган бўлади.

Ғўза баргини тўкиш ишини барча хўжаликлар, совхозларнинг бўлимлари ва далачилик участкаларида сифатли ўтказилишига эришиш лозим. Шунда мавжуд барча пахта териш машиналарини бирйўла ишга тушириб юборилиши таъминланади. Бунинг учун авиация хизматидан фойдаланишнинг пухта ўйлаб тузилган графиги ишлаб чиқилиши лозим. Самолетларнинг колхоз ёки совхознинг бирон бўлимида узоқ вақт туриб қолишига сира ҳам йўл қўйилмасин. Акс ҳолда баъзи бир карталарни эрта дорилашга тўғри келади, ҳосил нобуд бўлиши мумкин, пахта териш машиналарининг иши нормал бўлмай қолади. Хўжаликларда ҳам иш бир текисда юришмайди.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Ғ. Ғуломов нутқ сўзлади.

ЁШЛАР БРИГАДАСИДА

Шонани гулга, гулни кўсакка айлантиришда зарбдор ой ҳисобланган августда Охунбобоев номли колхознинг 20-бригадаси ёшлари ғайратга-ғайрат қўшиб ишладилар. Бригада бошлиғи — механизатор Қ. Пармонов ҳамма имкониятлардан фойдаланди. Авжи паст ғўзалар қўшимча икки марта парвариш қилинди. Ғўзага қўшимча ишлов бериш кўсакларни кўпайтирди.

Бригада аъзолари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Саодат Гулаҳмедова бригадаси билан беллашмоқдалар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини Пармоновнинг ўзи машина билан теради. Ғўзалар шунга мослаб парвариш қилинаётир.

Ёшлар мўл ҳосил етиштириб, янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, уларнинг ҳалол меҳнатлари шундан далолат бермоқда.

Н. ЭШҚОБИЛОВ,
Бўка райони.

СИЗЛАРГА ОҚ ЙЎЛ

Яқинда Бекобод районидаги механизаторлар мактабида тантанали маросим бўлди. Бунга район раҳбарлари, айрим колхозларнинг раислари ҳам қатнашди. Бу маросим Турсуной Охунова ташаббусига қўшилган 23 хотин-қизнинг механизаторлар мактабини тамомлаб чиқишига бағишланган эди.

Мактабни Дзержинский номли колхоздан Умманой Жониқулова, Ленин номли колхоздан Адолат Рўзиматова каби хотин-қизлар аъло баҳолар билан битирдилар. Кеча қатнашчилари бу турсуной ни хотин-қизларга машина билан пахта теришда оқ йўл тиладилар.

М. БОЛТАБОЕВ.

Сиз қанча силос бостирдингиз?

24 августда Юқори Чирчиқ райони 5305 тонна, Қуйи Чирчиқ райони 2900 тонна силос бостирди. Чиноз райони бир кунда 848, Янгиер шаҳри 607, Янгийўл райони 586 тонна силос бостириб, паст кўрсаткичга эришди

(25 августгача бўлган маълумот, процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Мажбуриятнинг бажарилиши
Юқори Чирчиқ	91,1	Оҳангарон шаҳри	35,0
Қуйи Чирчиқ	65,3	Пискент	34,2
Янгиер шаҳри	50,5	Чиноз	33,5
Ўрта Чирчиқ	47,1	Оржоникидзе	32,1
Бекобод	46,0	Гулистон	30,9
Бўка	44,2	Калинин	24,9
Сирдарё	43,5	Олмалиқ шаҳри	13,7
Оққўрғон	42,3		
Янгийўл	40,5		
Бўстонлиқ	36,1	Область бўйича	44,5

Мирзачўлни ўзлаштирувчилар нима дейдилар

УЧ ҚАРДОШ РЕСПУБЛИКА МЕХАНИЗАТОРЛАРИНИНГ СЛЕТИДАН

Бағри кенг, улкан чўл йилдан-йилга чекиниб бормоқда. Жонажон партиямизнинг кучли иродаси, совет кишиларининг ҳиммати ва ғайрати туфайли қадим гиёҳ унмаган шу чўллар ўрнида ям-яшил қишлоқлар, зилол сувли каналлар, мевазор боғлар бунёдга келди.

Етти йилликнинг охирига бориб яна 300 минг гектар янгиер ўзлаштирилади. Давлат янгиерларни ўзлаштирувчиларни 280 та экскаватор, 270 та скрепер, 297 та бульдозер, 60 та кран, 1.600 та автомашина, 200 та трактор билан таъминлади. Бу ҳақда учта қардош республика қўриқ очувчиларининг слетида «Главголодностепстрой» бошлиғи ўртоқ **А. Саркисов** сўзлаб берди.

Янгиер ўзлаштиришда донг чиқариб меҳнат қилаётган азамат кишиларнинг меҳнати тилга олинганда слет қатнашчиларининг гулдурос қарсаклари янгради. Иброҳимов, Печенкин, Кулачев, Пугачев, Коннов ўртоқлар каби экскаваторчилар, Ортиқов, Тўйчиев, Артемчук ўртоқлар каби ўнлаб бульдозерчи ва скреперчилар чўл баҳодирлари ҳисобланадилар. Буларнинг кўпчилиги шу кечакундузда улуғ етти йилликнинг учинчи йили ҳисобига ишламоқдалар.

Докладчи ишда йўл қўйилаётган камчиликлар тўғрисида ҳам гапирди. Қурилиш-монтаж ишлари ярим йиллик плани фақат 90 процент бажарилди. Уй-жой бинолари қурилиши кўрсаткичи эса бундан ҳам паст. Шу вақтгача ер ишлари бўйича берилган топшириқ бажарилгани йўқ. Бунинг асосий сабаби шундаки, бир қатор участкаларда қўриқ ерларни ўзлаштириш ишига моҳирлик билан раҳбарлик қилинмаяпти. Коллектив ўртасида партиявий-сиёсий ишлар савияси юқори даражада эмас. Коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари ҳаракати кенгайтирилмаяпти.

Шундан кейин минбарга биринкетин илғор механизаторлар, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон республикаларининг донгдор қурувчилари, чўлни бўйсундираётган кишилар кўтарила бошладилар.

22- СМУнинг скреперчиси ўртоқ **Аминов** ўз бригадасининг ишлари ҳақида сўзлаб берди. Аҳил коллектив етти ойлик планни 142 процент бажариб, кўчма Қизил байроқни ўз қўлларида маҳкам ушлаб турибдилар. Ўртоқ Аминов Мирзачўлга комсомол путевкаси билан келган. Эндиликда у ўзбек халқининг Мирзачўлни бўйсундириш учун кураш олиб бораётган минглаб ватанпарварлари сафида ишлаётганлиги, улуғ ишга муносиб ҳисса қўшаётганлиги билан фахрланади.

«Мирзачульводстрой» трестининг экскаваторчиси ўртоқ **Каримов** ўз коллективи орттирган тажрибалари ҳақида сўзлаб берди. Бригада берилган топшириқни ойма-ойига сифатли қилиб ортиғи билан бажариб келмоқда. Июль ойи топшириғи 150 процент бажарилди.

— Агар, — деди ўртоқ Каримов, — техника Мирзачўл ремонт-механика заводида тез ва сифатли ремонт қилиниб берилганда бундан ҳам кўп тупроқ ишларини бажарган бўлардик. Экскаваторлар 20—25 кун ичида тўла ремонтдан чиқариб бериш имконияти бор, ваҳоланки завод устахонасида 2 — 3 ойлаб ётади.

1-автобазанинг шофери ўртоқ **Павлов** Мирзачўл қурилиши ишларидаги тажрибалар ҳақида сўзлади.

— Ўн йил ичида, — деди ўртоқ Павлов, — мен 148 минг километр йўл босдим, ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса юз бергани йўқ. Биринчи ярим йиллик топшириқни 153 процент бажардим.

Одимловчи экскаватор машинисти ўртоқ **Кононов** «Главголодностепстрой» раҳбарлари йўл қўйаётган камчиликларни кўрсатиб, уларни қаттиқ танқид қилди. Жанубий Мирзачўл каналида иш тўғри ташкил этилмаган, меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Кишиларга қайғурмай моддий-маиший шароит яратиб берилмаган.

Йиғилганлар қозоғистонлик экскаватор машинистининг ёрдамчиси ўртоқ **Орқабековнинг** сўзларини қунт билан тингладилар. Ўртоқ Орқабеков гидромелиоратив техникумини битиргандан кейин осон иш излаб юргани йўқ. У етуклик аттестатини олиши билан ўз ихтиёрича Мирзачўлдаги янги қурилишга ишга келди. Эндиликда у уч қардош республика кишилари томонидан бошланган курашнинг олдинги сафларида бормоқда.

— Бизнинг ҳар биримиз, — деди ўртоқ Орқабеков, — Мирзачўлни яшнаган води сифатида кўришни истаймиз. Бизнинг орзуларимиз тўла рўёбга чиқадиган кунлар олис эмас.

Слет жуда активлик билан ўтди. Слет ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **Г. А. Габриельянц**, Ленинобод область партия комитетининг биринчи секретари **Х. А. Иброҳимов**, Жанубий Қозоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **В. И. Манаров** ўртоқлар иштирок этдилар ва нутқ сўзладилар.

Слет қатнашчилари Мирзачўлни ўзлаштиришда иштирок этаётган барча механизаторларга қарата баланд руҳ билан мурожаат қабул қилдилар.

«Биз, — дейилади мурожаатда, — бу ерга Мирзачўлдаги ишнинг ҳозирги аҳволи қандай эканлигини, КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарори қандай бажарилаётганлиги ва бундан кейин Мирзачўлни ўзлаштиришда комплекс механизацияни кенг қўлланиш тадбирларини муҳокама қилиш, ўзаро кенгашиб олгани йиғилдик. Биз коммунистик меҳнат бригадалари ва зарбдорлари деган фахрли номни олиш учун социалистик мусобақани янада кенг авж олдирамиз».

Слет охирида чўлни ўзлаштирувчи илғорларга Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ССР Олий Советлари Президиумларининг Фахрий ёрлиқлари ва Қишлоқ хўжалиги министрликларининг «Социалистик мусобақа ғолиблари» значоклари топширилди.

ПИЛЛАЧИЛИК БЎЙИЧА РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

САМАРҚАНД, 24 август. (ЎзТАГ). Бу ерда бўлиб ўтган пиллачилик бўйича республика кенгашида область ва район пиллачилик конторалари-нинг, ипак қурти уруғи заводларининг, тутзорларнинг, Ўзбекистон Халқ хўжалиги кенгашн тайёрлаш системасининг, илмий муассасаларнинг ходимлари, илғор пиллачилик колхозларининг вакиллари, партия ва совет активлари қатнашди. Улар Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР да пиллачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилдилар.

Кенгашнинг Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министри **Ж. Ҳоназаров** очиб, доклад қилиш учун министрликнинг пиллачилик бўйича бош бошқармасининг бошлиғи **Ғ. Ғаниева** сўз беради.

Кўпчилик хўжаликларда кўкламги об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши муносабати билан рўй берган қийинчиликлар муваффақиятли бартараф этилди. Бу эса давлатга пилла топшириш планини ўтган йилдагидан икки ой илгари 101,9 процент бажариш имконини берди. Бу йил кўкламги пилла боқишдан олинган ялпи ҳосил пиллачиликда энг яхши йил ҳисобланган 1956 йилдагидан ҳам ортиқ бўлди.

Тошкент областининг қишлоқ меҳнаткашлари жуда яхши меҳнат қилдилар. Улар давлатга пландан ташқари 352,4 тонна ва социалистик мажбуриятга қараганда 187,4 тонна кўп пилла сотдилар. Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Сурхондарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам давлат планларини ва ўз социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Калинин, Оққўрғон, Иштиҳон, Пастдарғом ва Бируний районлари, кўпгина колхоз ва совхозлар етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага ҳозирдаёқ эришдилар.

Докладчи айтадики, бу область ва районларда пилланинг ялпи ҳосилини кўпайтиришга асосан ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилди. Республика бўйича умуман ҳосилдорлик 1959 йилга нисбатан ҳар қути қурт уруғи ҳисобига 4,6 килограмм ёки 12,5 процент ошди.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё областларининг 199 колхоз ва совхози 60 — 70 килограммдан рекорд ҳосил олдилар. Юзларча илғор пиллачилик звеналари 100 килограмм ва ундан ошириб ҳосил етиштирдилар.

Пилла етиштиришни кўпайтиришда тут баргининг ривожланишига мос ҳолда ипак қурти уруғини жонлантириш муддатининг тўғри белгиланганлиги, пилла боқишнинг жадал усули, қурт боқиш учун тут баргини тўғри тайёрлаш ва тежаб сақлаш, қуртларни уларнинг нормал ривожланишини таъминлайдиган жойларда боқиш ва ниҳоят пилла ўраш учун қулай шароит яратиш ҳал қилувчи роль ўйнади.

Сўнгра докладчи пиллачилар ишида ҳали ҳам мавжуд бўлган катта камчиликлар ва жиддий хатоларни анализ қилишга ўтади. Докладчи айтадики, пилла етиштириш бўйича энг йирик областлар Фарғона ва Андижон областлари баҳорги қурт боқишдан пилла тайёрлаш планини бажармадилар. Жумладан, Фарғона областида пилла уруғи кечикиб жонлантирилди. Қурт боқиш агротехникаси қупол равишда бузилди — қуртлар тор жойларда боқилади, тут илғорларининг ютуқларини ўрганиш, барги нотўғри тайёрланди, сақланди ва ундан нотўғри фойдаланилди. Пилла ўраш учун яхши шароит яратилмаганлиги туфайли кўплаб ҳосил нобуд қилинди. Андижон областида ҳам таҳминан шундай аҳвол рўй берди.

Бу областларгина эмас, кўпгина районлар ва колхозлар ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорини қониқарсиз бажармоқдалар. Улар пиллачиликни ривожлантиришда орқада қолмоқдалар. Бу йил Сариосиё районида ҳар қути уруғдан ўрта ҳисобда 38,4 килограмм, Тахтакўпир районида 31,7 килограмм, Нукус районида 25 килограмм, Чимбой районида 10,6 килограмм пилла ҳосили олинди. Деярлик ҳар бир областда 40 килограммдан ҳам кам ҳосил олаётган ўнларча хўжаликлар бор.

Асосий нуқсон шундаки, пиллачилик мутахассислари, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари қолоқ колхоз ва совхозларга ўз вақтида эътибор бермадилар, қолоқ хўжаликларда тартиб ўрнатиш учун кескин чоралар кўрмадилар.

Пиллачиликнинг озуқа базасини ривожлантиришга, деб кўрсатади ўртоқ Ғаниев, илгаригидек етарли баҳо берилмаётир. Кейинги йилларда тут кўчатлари етиштириш камайди. Бунинг натижасида янги тутзорлар ва баланд пояли дарахтлар ўтқазиш плани бажарилмаётир. Бу соҳада Тошкент, Бухоро областлари, Қорақалпоғистон АССР айниқса орқада қолмоқда. Бу йилги иш натижалари ҳам унчалик қувончли эмас. Республика кўчатзорларида тутзорлик бўлимлари барпо этиш плани фақат 63 процент, ёш кўчатлар ўтқазиш плани эса 66 процент бажарилди. Баланд пояли тут кўчатлари ўтқазиш ва тутзорлар барпо қилиш планини ҳам бажарилмади.

Докладчи кўрсатиб ўтдики, маҳаллий заводларда тайёрланаётган қурт уруғининг сифати қониқарли бўлмаётир.

Докладда колхоз ва совхозларда пилланя умумлаштириб боқишнинг аҳволини анализ қилишга катта ўрин берилди. Текшириш натижасида шу нарса аниқландики, ҳозирги вақтда республика бўйича боқилаётган ҳамма қурт уруғининг бешдан бир қисмидан кўпроғи йирик биноларда боқилмоқда Ваҳоланки, анализ шуни кўрсатдики, мавжуд биноларни яхшироқ ускуналаш ва улардан моҳирлик билан фойдаланиш ҳисобига умумий қуртхоналар салмоги 1961 йилда 40 — 60 процентга етказилиши мумкин. Самарқанд наслли пиллачилик станцияси фаолияти зонасидаги уруғчилик колхозлари ва Самарқанд уруғ заводи хизмат қиладиган зонадаги наслчилик колхозлари қурт уруғини кўп қаватли сукчаклар ёки 3 — 4 қаватли этажеркалар билан ускуналанган катта биноларда боқмоқдалар ва мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Кенгаш қатнашчиларининг эътибори жалб қилинган катта камчиликлардан бири тутчилик ва қурт боқишдаги кўп меҳнат талаб қиладиган процесслярни механизациялаш даражасининг жуда пастлигидир. Янги механизмлар буёқда турсин, ҳатто колхоз ва совхозларда етарли миқдорда бўлган эски механизмлар ҳам ишлаб чиқаришга суст жорий қилинмоқда.

Кейинги йилларда пиллачилик илғорларининг ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш ишини бўшаштириб юборган илмий муассасаларга жиддий таъналар айтилди.

Республиканинг ҳамма область ва районларида, айниқса кам ҳосил олинаётган область ва районларда пилла етиштиришни кўпайтириш учун фойдаланилмаётган катта резервлар бор. Бу резервлардан тўла фойдаланиш, «Ўзбекистон ССРда пиллачиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорда белгиланган тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч-ғайратни сарфлаш зарур.

Докладни муҳокама қилишда иштирок этган пиллачилик мутахассислари асосий эътиборни энг муҳим, ҳали ҳал этилмаган масалаларга қаратдилар.

Тошкент область пиллачилик конторасининг бош агрономи **Г. Исаев** айтдики, областда илғор хўжаликлар билан бир қаторда қолоқ хўжаликлар ҳам бор. Анализ шуни кўрсатадики, агар улар пилла етиштириш даражаси бўйича ўртача кўрсаткичларга етиб олсалар ҳам, қўшимча тарзда 700 центнерга яқин пилла олиш мумкин бўлар эди. Шу сабабли ҳозир областда жамоат ишлаб чиқаришининг ана шу муҳим тармоғини ривожлантиришдаги камчиликларни бартараф қилиш тадбирлари кўрилмоқда.

Тўқимачилик, кўн ва мўйна ҳомашёси сифати бўйича давлат инспекцияси Ўрта Осиё бўлимининг ипакчилик группаси раҳбари **Ш. Азимов** ўз нутқини янги пилла ҳосили сифатининг пасайиб кетишига олиб келган сабабларни анализ қилишга бағишлади. Ҳосилни териб олишда беҳуда шошма-шошарлик шунга олиб келдики, кўп миқдордаги пилла етилмаган ҳолда топширилди ва ҳосилнинг бу қисми брак қилинди. Бу билан давлатгагина эмас, балки колхозларнинг экономикасига ҳам катта зарар келтирилди.

Самарқандлик «Ҳужум» пилла-кашлик фабрикасининг директори **О. Теряева** ҳам шу ҳақда гапирди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлар академияси Ўрта Осиё пиллачилик институти директорининг ўринбосари **А. Суханов** колхоз ва совхозларга уруғ заводлари етказиб бераётган уруғнинг сифатини ошириш масалалари устида тўхталди. Кенгаш қатнашчилари Самарқанд қишлоқ районидаги Энгельс номли илғор пиллачилик колхозининг раиси **Ф. Қосимова** нутқини айниқса эътибор билан тингладилар.


Самарқанд область пиллачилик конторасининг бошқарувчиси **Г. Прихожан**, Қўқон қурт уруғи заводининг директори **В. Гюлямбарьян**, Бируний район пиллачилик конторасининг мудири **А. Йўлдошев**, Андижон область пиллачилик конторасининг бошқарувчиси **Д. Болтабоев**, Бағдод район пиллачилик конторасининг мудири **Х. Хурсанов** ва Сурхондарё область пиллачилик конторасининг бошқарувчиси **М. Бигашев** нутқ сўзладилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Н. Ж. Худойбердиев** нутқ сўзлади.

* * *

Иккинчи куни кенгаш қатнашчилари Самарқанд яқинидаги Энгельс номли ва «Коммунизм» колхозларига бориб, арзонлаштирилган қуртхоналар қуриш тажрибасини ўргандилар, пиллачилик соҳасидаги ишларни ташкил қилиш, озуқа базасини ривожлантириш билан таништилар.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?



Суратда: Пойтахтимизнинг Тарас Шевченко кўчасидаги мактаб-интернат ихтиёрига топширилган маъмурий бино.
В. Кожевников фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ФАҚАТ БИР СМЕНАДА

БИРИНЧИ СЕНТЯБРГА ТАЙЁР

Бу йил Оржоникидзе районидаги 28-ўрта мактабда машғулотлар бир сменада олиб борилади. Бу муҳим тадбирни амалга оширишда мазкур мактабни ўз оталиғига олган «Сталинград» колхози жонбозлик кўрсатмоқда. Оталиқ хўжаликнинг ёрдами билан мактаб биноси янги хоналар ҳисобига кенгайди. Шунингдек, ўн хонадан иборат колхоз идораси ҳам мактаб ихтиёрига ўтказилди.

Ҳозир мактаб 24 синф хонасига эга. Бу эса машғулотларни бир сменада олиб бориш учун тўла имконият беради. Барвақт бошланган ремонт ишлари ҳам муддатидан олдин тамомланди. Мактаб биринчи сентябрга тайёр.

С. МИРЗАЛИЕВ.

ЯНГИ МАКТАБ

Калинин номли колхоз шу хўжалик территориясида яшовчи аҳолининг ўғил-қизлари учун янги совға тайёрлади. Колхоз марказида янги қад кўтарган 22 хонали типовой мактаб биносида биринчи сентябрдан бошлаб машғулотлар фақат бир сменада олиб борилади.

Мактаб қурилиши учун бир миллион 200 минг сўмлик маблағ ажратилди. Ўқув хоналари, устахона ва лабораториялар керакли жиҳозлар ва кўргазмали ўқув қуроллари билан таъминланди. Спорт майдончаси ва тажриба участкаси учун ҳам инвентарлар сотиб олинди.

Бу йил мактабга 684 ўқувчи жалб қилинади.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ,
Юқори Чирчиқ райони.

ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИНГ РЕЙД БРИГАДАСИ

Мактаблар қурилишига жиддий эътибор!

Йиғин катта. Масала ҳам муҳим. Оширилган социалистик мажбурият қабул қилинаяпти. Гишт терувчи ва монтажчилар, сувоқчи ва дурадгорлар — 159-қурилиш трести коллективининг сўзи бир ердан чиқди: 6 та мактаб, жумладан 2 та мактаб-интернат бинолари дарвозасини янги ўқув йили бошлангунга қадар бахтиёр ўпларимизга катта очиб берамиз!

Бу, йил бошидаги гаплар эди.

Кунлар кетидан ойлар ўтди. Умуман иш чакки эмас. Аммо кўнгилдагидек, деб ҳам бўлмайди. Жараёниқ массиви ва Пушкин кўчасидаги 520 ҳамда 920 ўринли мактаб биноларн 20 августдаёқ эгалари — ўқувчиларга топширилди. Шунингдек, Октепа массиви ва Отчопар кўчасидаги ҳар бири 520 ўринли мактаб биноларн ҳам қўлдан чиқди ҳисоб.

Мактаб-интернат қурилишлари-чи? Бу объектларда ҳам иш силлиқ кетаётган бўлса кошки эди.

Қуролланиш-Чимбойда қад кўтараётган объект қурилишидаги ишларга бир разм солайлик. Аҳвол чатоқ. Мактаб-интернат мажбурият уёқда турсин, планда белгиланган муддат — IV кварталда ҳам битиши даргумон.

Хўш, бу ерда иш нега шунчалик оқсаб қолди? Ахир бирор сабаби бордир. Гап шундаки, аввало сув бошидан лойқади. Заказчи — Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси ана-мана деб, ҳа деганда қурилиш учун майдон ажратиб бермади. Ғанимат дамлар ўтиб кетди.

Капитал қурилиш бошқармаси қанча ур-сурдан кейин ниҳоят ўтган ойда хўжалик корпуси ва ошхона учун майдон ажратди. Бироқ бу жой тасдиқдан ўтган лойиҳага мутлақо тўғри келмайди. Натижада барча ички коммуникациялар қайта бошдан лойиҳаланди.

Буниси ҳам майли-я, заказчи маблағ борасида бинокорларни айниқса қийнаб қўймоқда. Шу йил 1 августгача Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси 159-қурилиш трестига жами 2 миллион 300 минг сўм, жумладан мактаблар қурилиши бўйича 1 миллион 520 минг сўм қарздор бўлиб қолди.

Ростига кўчсак, мактаблар қўлдан чиққан бўлса ҳам чала қолган ишлар ҳам йўқ эмас. Лекин бунга бинокорларни айбдор деб бўлмайди. Трест коллективи юксак мажбурият олаётганда, қатор ташкилотларга катта умид боғлаган, уларни «итпонган» богимиз, суянган тогимиз» деган эдилар. Афсуски, ишонч оқланмади.

Мактаб биноларн қўлдан чиқди. Аммо ташқи томони электрлаштирилгани йўқ. Нега десангиз, «Главстройиндустрия» 500 дона тиргович тайёрлаб бериши керак. Бироқ ҳали ҳеч гапдан дарак йўқ. Шунинг учун «Ўзэлектромонтаж» трести Тошкент монтаж бошқармаси ишни қоқ белида тўхтатиб қўйди.

Ёки Жараёниқдаги мактабни олайлик. У ерда бинокорларга иш қолмаган. Аммо объект чала. Нега? Қозонхонанинг иссиқлик бериш қуввати синаб кўрилгани йўқ. Сабаб, «Водоканал» трести мактабни етарли сув билан таъминлаш чорасини кўрмаяпти.

Электр соатлар ўрнатиш ҳам ҳамон сансолор бўлиб ётибди. Ҳали Оқтепа массиви ва Отчопар кўчасидаги мактабларга борадиган йўл тузатилгани йўқ. Бу иш билан Тошкент шаҳар ижроия комитети капитал қурилиш бошқармаси шуғулланмаса, ким шуғулланади?

Эшитишимизга қараганда раҳбар ходимлар бинокорларга: «алдагани бола яхши, яна 1 — 2 ойга муҳлат олинглар», дейишаётган эмиш.

Б. ХОДАКОВ,
159- қурилиш трести план бўлимининг бошлиғи,
Ў. ГОЗИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЕТТИ ЙИЛЛИКНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧАСТКАЛАРИДА

ГАЗЛИ—УРАЛ РАДИОРЕЛЕ ЛИНИЯСИ

Мамлакатда энг катта Газли—Урал газ магистралини радиореле алоқа билан таъминлашга қарор қилинди. Бу линиянинг лойиҳасини СССР Алоқа министрлиги Давлат лойиҳа институтининг Тошкент бўлими тузди. Бўлимнинг бош инженери М. А. Фоменко Ўзбекистон Телеграф агентлиги мухбирига қуйидагиларни айтди:

— Ўрта Осиёдан Уралгача бу линия турли иқлим зоналарини кесиб ўтади. Трассанинг таҳминан ярмиси Қизилқум ва Қорақумга, Устюрт даштига, Каспий бўйи чўлларига тўғри келади. Трассанинг кўпгина участкалари аҳоли яшайдиган жойлардан узоқда ва табиий шароит ноқулай жойларда бўлганлиги сабабли лойиҳачилар бу вазифани энг ишончли ва прогрессив йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилдилар. Бу ерда кўзда тутилган баъзи янгиликлар амалда биринчи марта қўлланилмоқда.

Линиянинг асосий вазифаси — диспетчерлик радиотелефон алоқасини таъминлаш ва газ магистралини масофадан бошқаришдир. Аммо линия қўшимча нагрузкани ҳам қабул қилади. Жумладан, телевизион эшиттиришлар учун махсус канал ажратилади. Линия мамлакат марказини Ўрта Осиё билан боғлайдиган ретрансляция магистралининг тармоғий қисми бўлиб қолади.

Янги линия трассанинг умумийлигу туфайлигина эмас, балки қурилиш материаллари ва методларининг ўхшашлиги жиҳатидан ҳам газопроводнинг чинакам йўлдоши бўлади. Масалан, пластикада биринчи марта ретрансляция мачталарини газопровод қурилишида ишлатиладиган трубалардан қуриш мўлжалланади. Монтаж методлари мувофиқлаштирилмоқда — мачталар газ магистралидагидек усулда пайванд қилинади.

Иш методлари ва материалларнинг мувофиқлаштирилиши, шунингдек линиянинг газопровод алоқа хизмати ва СССР Алоқа министрлиги томонидан комплекс равишда ишлатилиши қурилиш таннархини анча камайтиришга имкон беради. Ретрансляция линияси газопровод билан бир вақтда қурилади.

Қисқа сатрларда

◆ Қуйи Чирчиқ. Райондаги 2-боғдорчилик совхозида катта кўркам клуб биноси қуриб битказилди. Шунингдек совхозда 30 хўжалик янги уйларга кўчиб кирди.

З. Амрулла.

◆ Тошкент. Фрунзе районидаги колхоз-совхоз бозорида озиқ-овқат ярим фабрикатлари магазини очилди. Магазин харидорларга яхши маданий хизмат кўрсатмоқда.

А. Мақсудов.

◆ Гулистон. Райондаги «Ленинград» колхозининг Фрунзе участкасида яшовчи ва хонадонларни электрлаштириш ишлари кўзда тутиб юборилган. Шу кунга қадар 300 дан ортиқ хонадонга ильич чироқлари тортилди. Электрлаштириш давом этмоқда.

А. Мирзоидов.

СОВЕТ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИНИНГ БУЮК МУВАФФАҚИЯТИ

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

<>

24 августда СССР Фанлар академияси президиумининг мажлислар залида совет ва чет эл журналистлари тўпланди. Бу ерда бортида тажриба қилинувчи жониворлар бўлган иккинчи космик йўлдош-кеманинг учишига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилди. Совет фанининг атоқли арбоблари журналистлар билан учрашдилар.

Академик А. В. Топчиев матбуот конференциясини очар экан, бундай деди:

Совет фанининг, совет техникасининг, бутун совет халқининг космик фазони эгаллашда, инсоннинг космосга, бошқа осмон жисмларига учишига тайёргарлик кўришда эришган янги ажойиб муваффақиятига бағишланган матбуот конференциямизни очишга ижозат бергайсиз.

19 августда, — деб давом қилди академик, — жуда катта космик кема икки итни ва бошқа жониворларнинг бутун бир колониясини коинотга учириб олиб кетди ва 20 августда бу жониворлар эсон-омон Ерга қайтиб келди.

Олим Совет Иттифоқи 1957 йил 4 октябрда Ернинг биринчи сунъий йўлдошини учириш билан космосни эгаллаш даврига асос солган ажойиб кундан буён уч йилдан ҳам камроқ вақт ўтганлигини эслатиб ўтали. Сўнгра олим одамнинг планеталараро фазога учишининг ажойиб йўлидаги асосий босқичларни айтиб беради. 1957 йил 3 ноябрда иккинчи совет йўлдоши, 1958 йил 15 майда учинчи совет йўлдоши учирилди, 1959 йил 2 январда Қуёшнинг биринчи сунъий йўлдоши пайдо бўлди, 12 сентябрда Совет Иттифоқининг герби билан вимпел Ойга етказилди, ўша йилнинг 4 октябрида планеталараро биринчи автоматик станция Ойнинг орқа томонини суратга олди, бу йил 15 майда биринчи космик кема учирилди. Ҳозирги кунда, дейди академик Топчиев, космосни эгаллашдаги янги буюк ютуқни нишонламоқдамиз.

Нотиқ коинот ҳақидаги бизнинг билимларимиз бениҳоя ўсганлигини таъкидлайди. Совет Иттифоқининг космик фазони тадқиқ қилишдаги муваффақиятлари бутун дунёни ҳайратда қолдирмоқда. Совет Иттифоқининг ютуқлари ҳақида дўстларимиз хурсанд бўлиб, душманларимиз куйиб гапирмоқдалар.

Совет кишилари, деди академик, космик фазони ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларимиз фақат тинчлик мақсадларини кузатаётганлиги билан айниқса фахрланмоқдалар. Биз фақат фан йўлида ишламоқдамиз. Космик кемаларимизнинг учиши программалари бошқа мамлакатларга зарар етказишга қаратилган разведкачилик мақсадларини ўз ичига олмайди. Бизнинг йўлдошларимиз разведкачи эмас, балки космик фазони ўрганиши лозим бўлган илмий лабораториялардир.

Олим айтдики, планетамизни ва бизнинг ўраб олган фазони билишдан иборат олижаноб мақсад барча мамлакатлардаги олимларни ҳамиша қизиқтириб келган эди, аммо фанни ривожлантириш учун Совет Иттифоқидагина унинг чинакам равнақ топишини таъминлайдиган шарт-шароит яратилган.

Академик таъкидлаб ўтдики, совет сунъий йўлдошлари ва космик ракеталарининг оғирлигини ва ҳажмини тобора ошириш — ўз бортида одамнинг космосга учиши учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитни таъминлайдиган космик кемани яратишдан иборат бирдан-бир мақсадга қаратилган тажриба-конструкторлик ишларининг асосий илмий-техника йўлидир.

Сўнгра олим тирик организмни космос шароитига мослаштириш билан боғлиқ тажрибалар ҳақида гапирди. Иккинчи космик йўлдош-кеманинг учиши вақтида амалга ошириш мумкин бўлган тажриба космосдаги ана шундай биологик тажрибалардан энг каттаси бўлади. Ҳозирги вақтда, — деди академик Топчиев, — олинган материаллар пухта анализ қилинмоқда.

Академик Топчиев иккинчи совет космик кемасининг тарихий учиши дастлабки якунларини характерлаб, бундай деди:

— Аввало, — бу тирик организмларнинг космик фазога учиши ва уларнинг Ерга қайтиб келиши хавфсизлигини таъминлаш мумкинлигини исботлайди. Биринчи космонавтлар олимларга топширилди. Улар яқин келажакда одамнинг космик кема пассажири бўлиши учун тағин нималар қилиш кераклигини «гапириб берган-дек» бўлади. Бу бизнинг мақсадимиз ва биз унга эришамиз.

Биз иккинчи космик кеманинг учиши вақтида олинган илмий тадқиқот натижаларини бутун дунё олимларига тақдим этамиз. Тинч совет фанининг, фақат тинчликка ва бутун инсониятнинг бахт-саодатига хизмат қилувчи фаннинг олижаноб мақсади ана шундан иборат.

Сўнгра СССР Фанлар академияси Биология фанлари бўлимининг академик-секретари академик Н. М. Сисакянга сўз берилди.

— Мен фан соҳасида унинг тараққиётидаги бутун бир даврни нишонлайдиган воқеалар бўлади, десам, менинг фикримга қўшилмайсиз деб ўйлайман, — деди у ҳозир бўлганларга мурожаат қилиб. — Иккинчи космик кеманинг учирилганлиги ва унинг омон-эсон Ерга қайтиб келганлиги ана шундай воқеадир. Бу буюк ютуқдир.

Сўнгра академик учишнинг биологик программаси тузилганда объектларни — энг оддий жониворлардан тортиб мураккаб организмларга қадар бўлган объектларни танлашга эволюцион тарзда ёндошиш асос қилиб олинганлигини айтди. Бундан ташқари, контейнерда нуклеин кислотаси солинган бир неча ампула ҳам бор эди. Бу бирикма организмда бўлганда радиация таъсирига жуда берилади. Контейнерда бактериофаглар, замбуруғчалар, одам ва қуён териси тўқималари, бир ҳужайрали ўсимлик организмлари ва ҳоказолар бор эди.

Олим биологик тажрибанинг асосий вазифалари — ҳайвон ва ўсимлик организмларининг космик учиш шароитидаги ҳаёт фаолиятини ўрганиш, узоқ вақт давомида катта нагрузка остида бўлишнинг ва оғирликни йўқотишнинг таъсирини текшириш, космик фазода учишнинг организмлар ҳаёт фаолиятига таъсирини, уларнинг наслига таъсирини ва ҳоказоларни ўрганишдан иборат бўлганлигини таъкидлади.

Космик кеманинг Ерга омон-эсон қайтиб келганлиги, деди академик Сисакян, одамнинг космосга учиш пайти яқин қолганлигига умид бағишлайди.

СССР Медицина фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси В. В. Парин ўз нутқида айтдики, тажриба қилинувчи жониворларни ва ўсимликларни космосга учиш учун тайёрлаган биологлар ва медиклар ўз ихтиёрларига берилган контейнер ҳажмидан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Шу сабабли жониворлар қўйилган контейнер ўзига хос «Нуҳ кемаси» бўлди.

Итларни лабораторияларда тажриба қилиш традиция бўлиб қолганлиги сабабли учиш учун итлар танланди, деди В. В. Парин. Нотиқ айтадики, ўз вақтида академик И. П. Павлов ит одамни киши қилди, деб ярим ҳазиллашиб, ярим жиддий айтган эди. Эндиликда ит одамни космосга олиб чиқмоқда, деса бўлади.

Олимлар контейнерга мумкин қадар кўпроқ жониворларни жойлаштиришга интилиб, енгилроқ вазнли итларни танладилар. Модомики уларнинг суратлари телевидение орқали Ерга берилиб турган экан, яхшироқ кўринишни учун оқ рангли жониворлар танланди.

Шу пайт залда катта жонланиш пайдо бўлади. Космосга саёҳатнинг биринчи қатнашчилари бўлган Стрелка ва Белкани залга олиб кирадилар.

О. Г. Газенко ҳайвонларни космик фазога учириш учун тайёрлаш даврида олиб борилган катта ва машаққатли ишлар ҳақида журналистларга гапириб берди. У Белка ва Стрелкани журналистларга кўрсатиб, ҳайвонларнинг ташқи кўриниши уларнинг жуда яхши аҳволда бўлганлигини ҳар қандай гаплардан кўра яхшироқ кўрсатиб турганлигини ҳаққоний таъкидлайди. Журналистларга бошқа «космос саёҳатчилари» ҳам кўрсатилди.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси С. Н. Вернов иккинчи совет космик йўлдош-кемасининг учиши вақтида космик фазодаги нурланишлар устида жуда кўп илмий тадқиқотлар амалга оширилганлиги ҳақида гапирди. У Ер—Космос — Ер маршрути билан учишнинг амалга оширилганлиги космик фазода микрооламда рўй берадиган процесслярни фотосуратга олиш имкониятини берди. Ҳозирги вақтда бу фотографиялар лабораторияларда ишлаб чиқилмоқда ва батафсил ўрганилмоқда.

Физика-математика фанлари кандидати Л. В. Курносова ўз сўзида иккинчи космик йўлдош-кема турли кимёвий элементлар ядроларининг спектрини рўйхатга олиш соҳасида мураккаб тажриба ўтказиш имконини берганлигини айтди.

Москва Давлат университетининг профессори И. С. Шкловский ўз сўзида иккинчи совет космик йўлдош-кемасининг учиши вақтида Қуёшнинг қисқа тўлқинли радиацисини тадқиқ қилиш ҳақида гапириб берди.

Матбуот конференциясининг қатнашчилари бир қанча саволлар бердилар. Бу саволлардан бири Эйзенхауэрнинг космосни тадқиқ қилишда АҚШ ҳамма мамлакатлардан олдинда бормоқда, деган гапларига тааллуқли эди. Академик А. В. Топчиев бу жиҳатдан СССРнинг олдинда бораётганлигини ҳозирги вақтда бутун дунё кўриб турибди, деди. Жониворлар билан контейнернинг Ерга қайтиб тушганлиги одамнинг космосга учишининг бевосита даракчисидир.

Мухбирлардан бири инглиз олимининг Совет Иттифоқи истаган вақтда, эҳтимолки, яқин ойларда одамни космосга юбора олади, деган гапини келтирди. Академик А. В. Топчиев бунга жавобан, совет олимларининг фикрича, одамнинг учиши ва унинг қайтиб тушиши тамомила хавфсиз бўлишига ишонч ҳосил қилинганига қадар космик кеманинг бутун системасини янада тажриба қилиб ишлаб чиқиш керак, деди.

Одамнинг учишига қадар космик кемада маймунни учириш керакми, деган саволга жавобан В. В. Парин бундай тажрибага мутлақ зарурат йўқ, деди.

Космик кеманинг ерга қанчалик равон қўнганлиги ҳақидаги саволга академик А. В. Топчиев: кема ерга гоят аниқ қўнди, деб жавоб қайтарди. (ТАСС).

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
3-БЕТ, 26 АВГУСТ, 1960 ЙИЛ.



Ҳа демай Вова Кривашоев ҳам мактаб остонасига биринчи марта қадам қўяди. Шу кунларда вовалар уйида ўқиш тараддуди зўр. Суратда: магазиндан Вовага мактаб формаси танлашяпти.

А. Абалян фотоси.

ҚУТУБХОНАДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАРАДДУДИ

Навоий номидаги давлат халқ кутубхонаси Тошкентдаги олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари, техникумлар, махсус ўрта ўқув юртлари ва жуда кўп мактабларнинг ўқувчиларига хизмат кўрсатади. 1 сентябрь яқинлашиб келаётган ҳозирги кунларда кутубхонада янги ўқув йилига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Катта ва кичик ўқув заллари яхшилаб жиҳозланди, дарс тайёрлаш учун қулай шароитлар яратилди. Янги ўқув йили бошланиши билан бу ерда фан кандидатлари, докторлари турли соҳалар бўйича студентларга консультациялар бериб турадилар. Шунингдек, партия тарихи, физика, олий математика ва бошқа фанлардан лекция ҳамда суҳбатлар уюштирилади.

Бундан ташқари, ўрта мактаб ўқувчилари ва студентларга кутубхоначиликни ўргатиш ишига ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Кутубхонанинг тажрибали ходимлари ўқувчи ва студентларга библиография саводи, каталоглар, библиографик кўрсаткичлар тузишни ўргатадилар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ҒАЗАЛХОН ОТАМИЗ

Республикамиз китобхонлари ва қўшиқчиларининг севимли ғазалхон отахони Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Хабибийнинг туғилганига 70 йил тўлди. Хабибий республиканинг 50 йилдан бери қалам гебратиб келаётган талантли ғазалхон шоирларидан ҳисобланади. У кўп асрлик ўзбек классик поэзиясининг илғор тажрибалари, айниқса Лутфий, Отойи, Саккокий, улуғ Алишер Навоий, Бобир, Мунис, Огаҳий, Машраб, Увайсий, Нодира, Махмур, Муқимий, Фурқат ва бошқа буюк сўз усталари ижодий ҳазинасидан баҳраманд бўлган, ватанпарварлик, халқпарварлик, дўстлик, олижаноб хулқ каби классик адабиётимизнинг энг яхши традицияларини совет замонида муваффақият билан ривожлантирган шоирдир.

Шоир узоқ йиллик самарали ижоди билан шеъриятимизнинг классик формаси—аруз вазнида замон қўшиқларини баралла куйлаш мумкинлигини исботлади. Хабибийнинг сершавқ ғазаллари, муҳаммаслари, маснавийлари ва достонлари ўзбек китобхонининг жонидан муносиб ўрин олган. Унинг «Янги аллалар», «Меҳнат қўшиқлари», «Колхозчилар ашуласи» ва «Замон фарҳодлари» каби шеърлар тўплами босилиб чиққан.

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида 23 августда шоирнинг 70 ёшга тўлганини нишонлашга бағишланган адабий кеча бўлди. Бунда филология фанлари кандидати Турсун Собиров шоирнинг ҳаёт йўли ва ижоди ҳақида мазмунли доклад қилди. Республикамизнинг атоқли шоири академик Ғафур Ғулом Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Хабибийни Фахрий ёрлиқ билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб берди ва шоирга Ёрлиқни топширди. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар союзи, СССР Ёзувчилар союзи ва бошқа ташкилотлардан шоир номига ёзилган табриклар ўқиб берилди.

Кекса шоирга бағишланган бу тантана ғазалхонлик кечасига айланди. Шоирлардан Туроб Тўла, Миртемир, Мирмухсин, Ҳудус Муҳаммадий ва бошқалар шоирнинг шеърларидан ўқиб бердилар.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ЯНГИЛИКЛАРИ

ТАБИИЙ ГАЗ МЕТАЛЛ ЭРИТАДИ

Табиий газдан фойдаланиш доираси борган сари кенгаймоқда. Яқиндан бошлаб арзон ёқилғидан республика металлургиясида фойдаланиш йўлга қўйилди. Ташаббусни Самарқанддаги «Красный двигатель» заводининг қуювчилари бошладилар. Бу ерда ҳозир вагранкаларда металлни газ эритмоқда. Қиммат турадиган кокснинг ярми газ билан алмаштирилди, вагранкаларнинг иш унумдорлиги 15 — 20 процент кўпайди. Самарқанд қуювчилари бу муваффақиятга «Узгипропромгаз»нинг лойиҳалаш институти ва Ўрта Осиё политехника институти билан ҳамкорлик натижасида эришдилар.

«Узгипропромгаз» институтида газ билан ишлашга мўлжалланган турли ҳажмдаги вагранкаларни қуриш ва реконструкция қилиш проектлари тайёрланмоқда. Институт «Таштрансмаш» ва ремонт-экскаватор заводлари закази бўйича вагранкаларни газ ва кокс билан ишлашга ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни тайёрлаб қўйди. Эндиги навбатда «Ташкентский текстильмаш» заводи вагранкаларини реконструкциялаш лойиҳаси ишланади.

Кокс ва газ аралаштириб ишлатилганда ҳар бир тонна қуйилма оддий печдагига қараганда 12 — 15 сўм арзонга тушади. Бинобарин металлургларнинг меҳнат унумдорлиги ҳам ошади.

ДОН РАДИО ЁРДАМИДА ЭКИЛАДИ

Техника фанлари кандидати доцент Я. И. Кострикининг инженер Н. Ф. Моргунов билан ҳамкорликда жўхори ва бошқа донли экинларни квадрат-уялаб экишда техника установкаларини радиотехника усули билан бошқаришни кашф этиш устида тадқиқот ишлари олиб бораётганига бир йилдан ошди.

Кашфиётчилар фикрича, бу техника янгилиги радио орқали бир вақтнинг ўзида тўрт ва ундан ортиқ агрегатни бошқариш имконини беради. Шу билан бирга у ишчи агрегатларнинг бекор туриб қолишини камайтиради. Ҳозир олимлар тажриба агрегатини дала шароитида синаб кўришга тайёрламоқдалар.



ФАБРИКА КЕНГАЙМОҚДА

Тошкентдаги ипак йигирув фабрикаси янги корхоналардан ҳисобланади. Бу корхонанинг ишлаб чиқариш базаси ва тайёрлаётган маҳсулоти ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. 1960 йилда корхонани кенгайтириш учун 700 минг сўм сарф қилиш мўлжалланган. Ана шу маблағдан чиқиндиларни ишлаш ва саралаш цехлари қурилди.

Корхона кенгайиши муносабати билан бу ерда ишловчилар сони ҳам кўпаймоқда. Фабрикага қатнаб ишловчиларга қулайлик туғдириш мақсадида 6-троллейбус маршрутини ипак йигирув фабрикасигача узайтириш кўзда тутилмоқда. Бу маршрутда троллейбуслар сони 9 тага кўпаяди.

АЛОҚА БЎЛИМИ

Ленин районидаги Куйбишев шоссесида кўпхонали янги бино қад кўтарди. Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги бу бинода янги 72- алоқа бўлимини очди. Меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатадиган бу муассасада посилка, хат ва телеграммалар қабул қилиш бўлимлари бор. Шунингдек, алоқа бўлими ёнида омонат касса ҳам очилди.

Тошкент янгиликлари

ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ АРАФАСИДА

Сентябрнинг биринчи ярмида Тошкентда қозоқ адабиёти ҳафталиги ўтказилади. Ўзбекистон ёзувчилар союзи пойтахт ҳаётида бўладиган бу муҳим воқеага тайёргарлик кўриш учун ёзувчи Асқад Мухтор раҳбарлигида комиссия тузди.

Ўзбекистон давлат бадиий адабиёт нашриёти машҳур қозоқ адиби Мухтор Авэзов ёзган «Абай» романининг тўртинчи китобини ўзбек тилида босиб чиқарди. Шунингдек, қозоқ халқ эртаклари ва Қозоғистон шоирларининг шеърлар тўплами китоблари ҳам магазинларда сотилмоқда. «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларида ҳозирги замон қозоқ ёзувчиларининг энг яхши шеър ва проза асарлари босилмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон ёзувчилар союзи ва кутубхоналарда китоб кўргазмалари ташкил қилинади.

Қозоғистоннинг етакчи қаламкашларидан Собит Муқонов, Ғабид Мусрепов, Тоҳир Жароқов ва бошқа ўртоқларнинг Ўзбекистонга келишлари кутилади. Меҳмонлар Тошкент, Мирзачўл, Самарқанд ва Қорақалпоғистон китобхонлари билан учрашадилар. (ЎзТАГ).

УЛОҚСИЗ ЙЎЛ

Тошкент магистрали йўл хўжалигининг бир группа инженер-техник ходимлари яқинда Белоруссия темир йўлида бўлиб, рельсларни уламай ётқизиши ва уни эксплуатация қилиш ишлари билан танишдилар.

Темир йўлда 800 метрлик рельсдан фойдаланиш йўлнинг техника аҳволини бирмунча яхшилаш ва поездлар ҳаракат тезлигини кескин даражада ошириш имконини беради. Ремонтга сарф қилинадиган маблағ 15 процент камаяди, ҳаракат составидан ремонт қилмасдан анча узоқ муддат фойдаланиш имкони туғилади. Шунингдек ҳар 800 метр йўлда одатдагига қарағанда 20 килограммга яқин металл тежалади.

Ҳозир Тошкент темир йўлида ҳам улоқсиз йўл қуришга тайёргарлик кўрилмоқда. Бунинг учун рельсларни пайванд қилувчи агрегат ва махсус ҳаракат состави олинди. (ЎзТАГ).

Беш республика қишлоқларидан

Ўқувчиларнинг республикалараро биринчи спартакиадаси байроғи кечагина туширилган эди. Уларнинг ўрнига Тошкентга қишлоқ спортчилари кела бошладилар. Улар 27 августда «Пахтакор» стадионида зонал спартакиада байроғини кўтарадилар.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг 475 энг кучли спортчиси спортнинг беш хили — енгил атлетика, велосипед, волейбол, эркин усулда кураш ва от спорти бўйича чемпион номини олиш учун курашади. Спортнинг ҳамма турлари бўйича энг яхши натижа кўрсатган командага СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари союзи марказий советининг кўчма мукофотни топширилади.

Спартакиадада республикаларнинг терма командаларидан ташқари, энг кучли қуйи физкультура коллективлари иштирок этадилар. Улар енгил атлетика ва велосипед бўйича биринчи ўрин учун курашадилар. Бухоро область, Шофиркон районидаги «Коммунизм» колхозининг енгил атлетикачилари ва Самарқанд область, Пастдарғом районидаги «Коммунизм» колхозининг велосипедчилари Ўзбекистон спорт шарафини ҳимоя қиладилар.

Қишлоқ физкультурачиларининг мусобақалари «Пахтакор», «Меҳнат» стадионларида, давлат ипподромида, Янгийўл шоссесида ўтказилади. Спартакиада тўрт кун давом этади. (ЎзТАГ).



Суратда: Тошкент олий партия мактаби учун Луначарс кое шоссесида қад кўтарган бино.

А. Абалян фотоси.

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР СПАРТАКИАДА ҒОЛИБИ

Республикамиз пойтахтида ўтказилган Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари мактаб ўқувчиларининг биринчи зонал спартакиадаси тамом бўлди. Спартакиада қатнашчилари спортнинг 13 тури бўйича куч синашдилар. Ўзбекистон мактаб ўқувчилари бу катта спорт курашига яхши тайёргарлик билан келганликларини намойиш қилдилар. Республикамиз терма командаси велосипед, сузиш, сувга сакраш, футбол мусобақаларида ҳамда баскетболчи ва теннисчиларимиз қизлар командалари ўртасида биринчи ўринни эгалладилар. Енгил атлетика, сув полоси, волейбол, отиш мусобақаларида эса иккинчи ўринни олдилар.

Тошкентнинг мактаб коллективлари спартакиадада жуда муваффақиятли қатнашди. Мактаб коллективлари программасига киритилган 4 мусобақанинг 3 тасида Тошкент мактаб командалари биринчиликни қўлга киритганлиги айниқса қувончлидир. Ғолиблар орасида 107, 135 ва 43-мактабларнинг спортчилари бор.

Шундай қилиб, Ўзбекистон терма командаси 57,5 очко тўплаб спартакиада ғолиби деган фахрли номни қўлга киритди. Қозоғистонликлар 13 очко, орқада қолиб, иккинчи ўринни эгалладилар. Тожикистон мактаб ўқувчилари учинчи, қирғиз ўқувчи ёшлари тўртинчи ва Туркманистон вакиллари бешинчи ўринни олдилар.

СССР спорт жамиятлари ва ташкилотлари Союзи Марказий Советининг кўчма мукофоти ғолиб Ўзбекистон командасига топширилди. Спартакиада иттифоқчи беш республика ёшларининг дўстлик ва қардошлик намойишига айланди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

Футбол бўйича мамлакат чемпионатининг якунловчи ўйинлари бошланди. Биринчи группага кирган Москванинг «Торпедо» ва «Динамо» командалари ўртасидаги учрашув 1:0 ҳисоби билан автозаводчилар фойдасига ҳал бўди. Киев динамочилари эса «Локомотив» футболчиларини 5:2 ҳисоби билан мағлубиятга учратдилар. Москва ва Ростов-Дон армия футболчилари мусобақаси 0:0 ҳисоби билан дуранг бўлди.

13—18 ўринлар учун кураш бошлаган Тошкентнинг «Пахтакор» командаси биринчи ўринни Харьковда ўтказди. Ўйинда майдон эгалари 4:0 ҳисоби билан ютдилар. «Крилья Советов» — «Қайрат» матчида қозоқ спортчилари 1:0 ҳисоби билан ғалаба қилди.

ТОШКЕНТ ШАХМАТЧИЛАРИ ЯРИМ ФИНАЛДА

Шахмат бўйича 1961 йилги мамлакат биринчилиги финал мусобақалари олдидан ярим финал ўйинлари бошланди. Ярим финал ўйинлар Вильнюс, Одесса ва Ростов-Дон шаҳарларида ўтказилмоқда. Бу мусобақаларда қатнашаётган 10 гроссмейстер, 35 мастер ва 9 мастерликка кандидатдан 12 киши (ҳаммаси ҳар группадан 4 ғолиб) финалда қатнашиш ҳуқуқини олади.

Тошкентлик шахматчилардан спорт мастери М. Мухиддинов Ростов-Дон, А. Грушевский Одесса ва мастерликка кандидат Мовшович эса Вильнюсдаги ярим финалчилар составига кирди.

С. МУСАЕВ.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун кундузи Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлади. Эрталаб Тошкентда 15—17, областда 15 — 20, кундузи Тошкентда 35 — 37, областда эса 33 — 37 даража иссиқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

Халқаро аҳвол

Н. С. ХРУШЧЕВНИНГ XVII ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА МАКТУБИ

РИМ, 24 август. **(ТАСС махсус мухбири).** XVII олимпиада ўйинларида қатнашувчи совет спорт делегациясининг раҳбари Н. Н. Романов бугун кундузи Италия «Олимпиада комитети» раиси Жулио Онести ҳузурида бўлди ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевнинг XVII олимпиада ўйинлари қатнашчиларига юборган мактубини унга топширди.

Жулио Онести мактубни қабул қилиб олар экан, қуйидагиларни айтди: «Сизга ташаккур. Бу жуда яхши мактуб. Совет атлетикачилари бошқа мамлакатларнинг спортчилари учун доим намуна бўлиб келдилар ва биз ҳозир ўтказилаётган олимпиадада уларнинг юксак маънавий ҳислатларини ва спорт соҳасидаги буюк маҳоратини яна кўрсатиб беради ва барча халқлар ўртасида дўстлик ҳамда ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради, деб умид қиламиз».

ДАМАШҚДАГИ ЯРМАРКАДА СОВЕТ ПАВИЛЬОНИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ДАМАШҚ, 24 август. (ТАСС). Дамашқдаги VIIхалқаро ярмаркада совет павильонининг катта муваффақияти муносабати билан маҳаллий матбуот павильон ҳақида ва Совет Иттифоқининг турмушнинг ҳамма соҳаларидаги муваффақиятлари тўғрисида мақолалар босиб чиқармоқда.

«Алаҳбор» газетаси совет павильони ҳақидаги материалларга бутун бир саҳифани ажратган. Газета маҳаллий араб бозори муҳтож бўлган маҳсулотларнинг хилма-хил турлари бу павильонда намойиш қилинаётганини таъкидлайди.

«Саут алараб» газетаси бундай деб ёзади: «Совет Иттифоқида фан ва техника тез суръатлар билан ривожланмоқда. Йил сайин яхшиланаётган совет павильони бунинг ифодасидир. Совет павильонида энг замонавий асбоблар, машиналар, ускуналар намойиш қилинмоқда. Павильон фан ва техника соҳасида совет халқи эришган тараққиёт ҳақидагина тасаввур бермасдан, шу билан бирга унинг халқаро майдонда тинч-тотув яшаш ва ўзаро ҳамкорлик принципи асосида бошқа халқлар билан дўстона муносабатларни кенгайтириш учун кураши ҳақида ҳам тасаввур беради».

Хавфсизлик Кенгашининг янги давлатларни БМТ аъзолигига қабул қилишга бағишланган мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 24 август. (ТАСС). Кеча Хавфсизлик Кенгашининг ҳали яқиндагина ўз мустақиллигига эришган янги давлатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилиш масаласини қараб чиқиш учун бу йилги еттинчи мажлиси ўтказилди. Хавфсизлик Кенгаши Африкадаги олти ёш мамлакатни — Камерун Республикасини, Конго Республикасини, Мали Федерациясини, Мальгаш Республикасини, Сомали ва Того Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси қилиб қабул этишни Бош Ассамблеяга тавсия қилган эди. Хавфсизлик Кенгаши кеча Африкадаги яна саккиз республикани — Дагомея, Нигер, Юқори Вольта, Фил Суяги Киргоғи, Чад, Конго (Франциянинг собиқ мустамлакаси), Марказий Африка Республикаси ва Габонни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиш тўғрисидаги илтимосни қўллаб-қувватлади.

СССР вакили П. Д. Морозов Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида нутқ сўзлаб бундай деди: ҳозирги вақтда Африка қитъасида бўлаётган ўзгаришлар ҳақиқатан ҳам тарихий ўзгаришлардир. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 1960 йил инсоният тарихига Африка йили бўлиб киради. Африка мамлакатларининг мустақилликка эришганлиги уларда яшовчи халқларнинг асрлар бўйи давом этган ажнабийлар зулмидан озод бўлиш йўлида мардона олиб борган кураши натижасидир. Аммо давлат суверенитетини қуролиб қўлга киритиш билан мустамлакачиликка қарши кураш тамом бўлмайди. Бу курашнинг янги босқичи, яъни чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун кураш давлат суверенитетига эришилгандан пайтдан бошланади.

Совет Иттифоқи, — деди Морозов, — Осиё ва Африкадаги мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик сиёсатини оғишмай ўтказиб келмоқда ва бегараз ёрдам бериб, уларни қўллаб-қувватламоқда. Совет Иттифоқи бу мамлакатларнинг миллий экономикасини ривожлантиришда ва, жумладан, уларнинг иқтисодий мустақиллиги негизи бўлган ўз индустриал базасини вужудга келтиришда ёрдам бермоқда.

СССР вакили яна айтдики, ана шу янги давлатлардан ҳар бирини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилиш халқаро ташкилотнинг ҳаётида катта воқеадир. Африкадаги янги мамлакатларнинг қабул қилиниши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ролини оширади, унинг фаолиятини кучайтиради, бу ташкилотни кўп мамлакатларнинг вакили бўлган универсал ташкилотга айлантиради.

Подшо Муҳаммад Зоҳир Шоҳ маршал Шаҳвали ва бош министр Муҳаммад Довуд ҳамроҳлигида қўшинлар кўриги ўтказди. Сўнгра у минбарга чиқиб нутқ сўзлади. У, жумладан айтдики, бутун афғон халқининг бурчи—оғир жанглларда қўлга киритилган ўз мустақиллигини сақлаб қолишдан иборатдир.

Подшо нутқи тамом бўлганидан кейин қўшинлар паради бошланди. Кечқурун халқ сайли бўлди. Кобилдаги «Кобил нандаре» театрида совет, хитой ва ҳинд артистларининг кучи билан концерт берилди. «Ғози» стадионида афғон клуби «Ариана» ва «Торпедо» (Кутаиси) футбол командалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди. Грузия спортчилари 6:4 ҳисоби билан ғалаба қозондилар.

Мустақиллик кун байрам қилинмоқда

ҚОБИЛ, 24 август. ТАСС мухбири В. Гаврилин хабар қилади: Кеча Афғонистон пойтахти Кобил мамлакат мустақиллигининг 42 йиллигини тантанали вазиятда байрам қилди. Байрам Чамани Ҳузурий майдонида қўшинлар паради билан бошланди. Парад бошланишдан анча илгари Кобил ва атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси шу майдонга яқин кўчаларни тўлдирди. Кишилар уйларнинг томига ва ҳатто минораларга чиқиб олдилар. Парадда министрлар, давлат муассасаларининг олий амалдорлари, афғон армиясининг генерал ва офицерлари, дипломатлар корпусининг аъзолари ҳозир бўлдилар. Бу йил минбарларда биринчи марта афғон хотин-қизларининг очиқ юзини кўриш мумкин эди.

ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИ «УЗГИПРОПИШЧЕПРОМ»ГА

лойиҳа бош инженерлари, группа раҳбарлари, старший инженерлар ва инженерлар вазифасида ишлаш учун лойиҳа тузувчи тажрибали инженерлар: озиқ-овқат саноати технологлари, қурувчилар, электриклар, сантехниклар, сметачилар, автоматика инженерлари, шунингдек копировщчилар ва русча машинисткалар

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ленин кўчаси, 45-уй.

ТОШКЕНТНИНГ ТАНҲОША ЖОЙЛАРИДА

Маҳаллада дув-дув гап — қишки НАВОИЙ номли (кеч соат 6 ярим, 8-20 минут ва 10 да) — ўзбек тилида, ёзги «ВАТАН» (рус тилида кеч 9 ва 10-40 минутда), ёзги НАВОИЙ номли (ўзбек тилида кеч 8-40 ва 10-20 минутда).

Янги Дехли (1-серия)—«МИР», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 8 ярим ва 10-20 минутда), ПУШКИН номли (кеч 9 да), қишки НАВОИЙ номли (кундуз).

Катта вальс — «ИСКРА» (кеч соат 9-10 минутда), қишки «ВАТАН» (кеч 6 ва 8 да).

12 қиз ва 1 эркак — қишки «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 10-45 минутда).

Синдбоднинг еттинчи саёҳати (кеч соат 8 яримда), **Катта Вальс** (кеч 10 яримда; — КАФАНОВ номли.

Рапсодия — СТЕПАН РАЗИН номли (кеч соат 8 яримда).

Телба — ПУШКИН номли (кеч соат 9 да), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 10-10 минутда).

Мистер «Икс» — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 10-45 минутда).

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиkинотеатрлар экранига янги киноповестлар чиқарады:

Йўлбарсдек довюрак



Сценарий автори — **Дин И-сань.**

Режиссёрлар — **Янь Цзи-чжоу, Хао Гуан.**

Оператор — **Цзян Ши.**

Ролларда: **Юй Ян, Чжан Юн-шоу, Ли По, Ху Мин-ин, Ван Сяо-тан** ва бошқалар қатнашади.

Фильмни Хитой Халқ Республикасининг 1-август номли студияси 1958 йилда ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссёри—**Е. Арабов,** овоз оператори — **М. Шмелев.**

О Қ Қ О Н



Режиссёр — **Готтфрид Колдитц.**

Оператор — **Эрих Гуско.**

Ролларда: **Христина Лассар, Юрген Фрорип, Херберт Дирмозер, Вернер Пледат, Марга Легаль, Ханнио Хассе, Харри Штудт, Петер Кивитт, Ева-Мария Хаген, Вернер Шульц-Виттанлар** қатнашади.

Харальд Хаузер пьесаси асосида ишланган.

Сценарий авторлари — **Харальд Хаузер, Готтфрида Колдитц.**

Фильмни Германия Демократик Республикасининг «Дефа» студияси ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Ўзбекистон ССР Маориф министрлигининг

Кар-соқов болалар 1-республика мактаби

ТАНЕРЛОВ СИНФЛАРИГА

ўқувчилар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Дарслар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Бу мактабга 7 — 8 яшар болалар қабул қилинади.

Қабул шартлари тўғрисида мурожаат қилиш учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе посёлкаси, кар-соқов болалар мактаби.

К. Е. ВОРОШИЛОВ НОМЛИ «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА

йиғувчи слесарлар, токарлар, фрезерчилар, электросварқачилар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, бензорез чиқлар, уборшчицалар

керак

Сельмаш кўча, 2-уйда заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин (4-трамвайнинг «ТашМИ», 8,16-автобуснинг «Сельмаш» остановкаси).

69-ЮК АВТОБАЗАСИГА

1,2,3-класс шоферлар, автослесарлар ва мотористлар

керак

Адрес: Луначарский посёлкаси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115, Эълонлар бўлими — 28142.

Р 10573. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А 1864.